


Мисқол Һари



Айтувчи

МУҲАММАДҚУЛ ЖОМУРОД УҒЛИ ПУЛКАН

Нашрга тайёрловчи

МУҲАММАДНОДИР САИДОВ, ЗУБАЙДА ҲУСАИНОВА

Масъул муҳаррир

МАНСУР АФЗАЛОВ



Гўрўғлининг Чамбилга подшо бўлганини эшитиб, ҳар уруғдан йигитнинг сараси бориб новкар бўлаверди. Қирқдан, Хитойдан, Манғитдан, Муйтандан, Кенагас, Наймандан шунга ўхшаган ҳар уруғдан [йигитлар йиғилиб келиб], Гўрўғлибекнинг қўшини тўқсон олти мингга етди. Ана энди Гўрўғли тоза подшо бўлиб кетди. Энди Чамбилни бир таъриф қилиб мақтайик: Олтмиш ошхонали Чамбил, бир минг қўшхонали Чамбил, уч минг тўйхонали Чамбил, ёв келганда отишадиган саксон сардобали Чамбил, неча сарбоз ётадиган, сардор ётадиган Чамбил. Чамбил шундай обод бўлиб кетди. Шундай кун пайшанба кунни бўлди. Ярим кеча бўлганда Гўрўғлибек ўтиришдан қайтди. Шундай келаётса одам товуши баланд чиқади ўрдада. Гўрўғлибек йўталмай аста-аста оёқни босиб, уйига борди; тешикдан аста кўзини қисиб қаради. Шундай қараса, Соқибулбул созни чалиб, сўз айтиб ўтирибди, ҳеч ақлга тўғри келмайди. Ой Зайдин хизмат қилиб турибди, чой дамлаб. Шунда ой Юнуснинг ўнг ёнбошида Гулчеҳра пари ўтирибди; чап ёнбошида бир пари ўтирибди. Шу Юнусдан сулувлиги ўн беш ҳисса зиёд. Яна шунга ўхшаган танимаган қизлар ҳам кўп... Ҳаммаси ҳангома, чақ-чақ қилиб ўтирибди, ўз шавқи завқида. Ҳалиги Юнуснинг олдидаги қиз шундай қора узумларни нимкаласоз танглайи билан эзиб ютапти. [Узум] киндигигача қоп-қора бўлиб билиниб ботяпти, қорнига ўтапти. Гўрўғлибек бу сирхолларни кўриб, ўзидан кетиб, йиқилиб қолди. Унги эканлигини ҳам, туш эканлигини ҳам билмай қолди. Ана бул ётди.

Ҳиндистон подшосининг қизи Гулнор пари Мисқол билан ҳам дўст эди, Юнус билан ҳам дўст эди. У ҳам шу

қангомага ваъдалашиб эди. Ҳзининг уйида меҳмони бор эди. Шуйтиб, кечроқ қолиб эди. Узоқни калта қиладиган бир амални Юнус пари ўргатиб эди. У ҳам келди қангомага. Ана энди Чорхона бут бўлди.

Гўрўғлибек тағи ўзига келди. Яна интилиб қаради. Шундай қараса, бир қиз ўтирибди, гавҳари Яманни тар-маштирган қасабасига. Тошнинг ёруғи, ўзининг шуъласининг ёруғи бир саратон юлдузли, ҳур юзли, бўтакўзли, бир яхши овозли, янги бўйи етай дебди. Кўйлагини пичагини кўтариб турибди муштдай безли; ҳур талъатли, малоика келбатли ҳеч сулувлиги ақилга тўғри келмайди. У қизлар ўз шавқи-завқида ўтирибди. Орадан бир йил ўтса ҳам, ҳеч гапни билмайди. Гўрўғлибек энди ўзбекилиги тутди. Астагина ғурро бурулиб кетин қайтди; қирқ эшикли мас-лаҳатхонага етди. Катта подшо кетди, деб Ҳасанхонни ўртага олиб, май суздириб, бу беклар бошқаватдан ўтириш [қилаётган] экан. Гўрўғлибек лўп этиб кириб борди. Ҳамма бекларнинг кўзи чанғироқлашиб, қўрқиб қолди. Гўрўғлибек тўрға ўтди. Токчадан созни олиб чертди. Ҳасанхон аллаёр деб май сузиб бераверди. Гўрўғлибек бошқа қанго-мани йўқ қилди. Ҳамма нарсани ўртадан кўтариб олди. Энди навбат Гўрўғлига келди. Ҳасанхон эсли бола эди. Бу гапларни билди. Бошидаги кокиллари каллапўшнинг остига солиб, Гўрўғлибекка қараб, калласини ҳам қилиб, қўлини қовуштириб отасининг тарзига қараб бир сўз айта-верди:

Ҳангомамиз қизиқ бўлди бегумон,
Бўлгаймиз ҳаммамиз дунёда эсон.
Қиблагоҳ тағин-а малол келмаса,
Бир сўзим бор сизга айтай, отажон.

Уйқу келди, дейиб бундан кеттингиз,
Кетиб туриб, бориб анча ёттингиз,
Бошқа тусли бўлиб афти-юзингиз,
Анчадан кай¹ бунда яна еттингиз.

Бошқа тарзли бўп қолибди юзингиз,
Каттарибди мен қарасам кўзингиз.
Шу келганнинг маънисини сўрайман.
Нимага сарғайди ойдаи юзингиз?

¹ Анчадан кейин.

Бойлар кўчиради кўклам кўчини,
Эр йигит душманга қилиб кучини.
Ичкарига бориб буйтиб чиқдингиз,
Ота, айтинг, чиққанингиз важини!

Кўнглингиз бўлибди, отажон ҳайрон,
Сизга қараб менинг кўнглим бўй вайрон,
Кўзларингиз қайнаб, юзлар қизариб,
Бу чиққаннинг важин айтинг, отажон!

Яхши отни деҳқон қўяр уюрга,
Эл обод бўлади берган хайрга.
Бошқа тарзли бўлиб кепсиз, отажон,
Кун ёйила келдингиз [сиз] бу ерга,
Менга айтинг, келганингиз важини!

Мен билувда кўп гапларни биласиз,
Токчадан дўмбирани олиб чаласиз,
Юзингиз қизил бўп, кўнгил қувониб,
Ҳар замонда, қиблагоҳим, куласиз.
Менга айтинг, кулганингиз важини!

Ана энди ҳамма одам Ҳасанхоннинг бу гапига ҳайрон қолди. Гўрўғлибек кулиб, созни тинг-тинг эткизиб чалиб, аввал бекларга, қирқ йигитларга, Темирхон, Аҳмад сардор, катта-катта ўтоғасиларга қараб, Гўрўғлибек бир сўз айтаверди:

Мен бу ердан турдим-да, уйимга кетдим.
Яқинлашиб бир ғовирни эшитдим.
Эшикдан кирмайин ўзим тўхтатдим;
Соқибулбулнинг созини эшитдим.

Ҳайрон қолиб [мен] муртимни тарадим,
Ёмон кунда яхшиликка ярадим.
Аста-аста ўзим энгагим чўзиб,
Тешикдан мўралаб шундай қарадим.

Соқибулбул бежой созин чертибди,
Эсон банда муродига етибди.
Юрагимга ҳовур тушган халойиқ,
Тиззасига ёстиқ қўйиб бек соқи,

Хотинлар ичида айтаётибди.
Хотини тушкур ишқибоз экан,
Ҳамма хотин бежой болқиб кетибди.
Айтаверсам соп бўлмайди кўрган сўз,
Юраккинам пича куйиб кетибди.

Ой Зайдин коса бериб, буралиб,
Гала хотин ҳангама қип ётибди.
Ҳар тарафга, қарайвердим мен ўзим,
Уйнинг ичи қизга тўлиб ётибди.

Бир нечаси, мен қарадим, қашқа қиз,
Туркман элнинг қизини танидим;
Ҳангамани бежой катта қилибди,
Бари сулув, меҳмон ўзи бошқа қиз.

Мушки анбар ҳовли бункиб кетибди,
Юнус пари, Чеҳра пари каттакон,
Юнусжоннинг тўғри чап ёнбошида,
Еган овқат киндигидан кўриниб,
Қатор-қатор бўп қорнида ётибди.
Кўрганимни айтаверсам бежой кўп,
Уни кўриб анча эсим кетибди.
Бекларим, маслаҳат қандай бўлади,
Жуда кўнглим икковига кетибди?

Уртаб кетди қараганда кўзлари...
Асадан шириндир айтган сўзлари
Мен сизга ростини айтсам, халойиқ,
Ун беш кунлик ойга ўхшар юзлари.
Хурми, парими, ўзим билмадим,
Келган ўзи бир подшонинг қизлари.

Этагидан ушлаб била кетгудай,
Била юрса муродига етгудай,
Мен сизларга ростин айтсам, халойиқ,
Бир кўрпада қучоқлашиб ётгудай.
Шундай қизлар кепти менинг уйима,
Қаердан келибди менинг жойима?
Иззагли, ҳурдайн қизлар келибди.
Тиши оппоқ дурдай қизлар келибди.

Шуйтиб, бўйнига қўлни солгудай,
Сулувликдан ҳеч камии йўқ барининг,

Никоҳ қилиб, ҳар ким хотин қилгудай.
Кашли, пешнобли қизлар келибди.
Семиз қўйдаи ирғалади бадани,
Ҳаммасининг юзи гулнинг хирмони.
Гавҳар тошли, қордай тўшли,
Мартабали, жонон қизлар келибди.
Урта қўлдаи дўнан қизлар келибди.

Ҳамма жойи хўп келишган ўзига,
Ишонинглар, мендай подшо сўзига!
Ишқивоз бўп қолдим иккита қизга,
Ҳимматли, дудоқли қизлар келибди.

Хотин қилса яхши хизмат қилгудай,
Кетиб қолса, йўлда сарсон бўлгудай,
Иккитаси бежой яхши ёронлар,
Тўлғонтириб бир қўйинга солгудай.

Мен уят-суятни қўйдим, ёронлар,
Ростин айтсам, чўртта хотин қилгудай!
Шунинг учун бошқа бўлди юзгинам,
Чагирайиб қолди икки кўзгинам.

Ҳамманг ишонмасанг менинг гапима,
Қараб келгин, Ҳасан, болам ўзгинанг!
Астагина туриб жойингдан, кетгин,
Дубирни чиқармай сен уйга етгин!
Эҳтиёт бул зинҳор, болам, бу ишга,
Ҳеч кимга билдирмай, чопқиллаб қайтгин;
Кўрганингнинг ҳаммасини кеп айтгин!

Сенсан менинг ҳам ҳузуру қувватим,
Бормиқан дунёда бир бағри бутун?
Тезроқ тиндириб кел, дарров хизматни;
Кечикмайин дарров, чироғим, қайтгин!

Рози бўлгин мендай подшо ишидан,
Кўрган одам қочиб кетар ҳушидан.
Мен сенга ростини айтсам, Ҳасанхон,
Сен ҳам кирсанг чиқолмайсан қошидан.

Еш баччасан тағи кўнгилни берма,
Тиклаб қара, зинҳор ичкари кирма!

Агар кирсанг келолмайсан, Ҳасанжон,
Зинҳор хаёлингни, болам, бой берма-
Аста бориб, чошиб келгин, фарзандим!

Хайр, деб Ҳасанхон турди-да, кетди.
Гўрўғлининг чўртта хаёли кетди.
Аста-аста Ҳасан босиб оёгин,
Бир-бир босиб энди Ҳасанжон,
Бу ҳам шундай уйга узалиб етди.

Салласини хўп ўхшатиб ўради,
Тушни кўрса яхшиликка йўради;
Шундайин узалиб бачча тешиқдан,
Қошин дол қип, Ҳасан тиклаб қаради.

Соқибек чашибди қизиқ созини,
Айтаётир катта дoston сўзини.
Ҳасан тиклаб қараб шундайин кўрди,
Ҳасан кўрди Гулноржоннинг ўзини.
Мисқол ойни кўриб бетоқат бўлди,
Яхши кўрди ярқиллаган кўзини.
Кўриб олди юзта сулув қизини.
Сўлқиллашиб ўтирибди сулувлар,
Хон Ҳасанхон тўхтатолмай ўзини.

Ҳасанхон ночор отасининг гапидан ўтолмай қайтди.
Ҳасанхон аста-аста чошиб, маслаҳатхона томга етди. **Анз**
внди гапни Ҳасанхондан эшитмак дарқор.

Ҳасанхон ўрталиққа бориб, ҳамма турган бекларга **бир**
сўз айтаверди:

Менинг отам Ваянганнинг тождори;
Майхонада Гўрўғлининг сардори,
Кўрганимни айтиб берай сизларга,
Бежой яхши экан қизларнинг бари.

Ёйдайин қуйилган қоши, қабоғи,
Кўрганнинг қолмайди ичида доғи.
Бежой сулув экан кўрдим барини,
Хурга ўхшайди пешонаси, сиёғи,

Ундан кейин, шулдир туркманнинг беги,
Қарадим беҳуш бўп ўзимдан кетдим.

Эслиликдан ўзгинамни тўхтатдим,
Жаннатдан келибми, билдим ҳаммаси.

Малоикага, худи ҳурга ўхшатдим,
Сўзлатиб эшитсак эканди тилини.
Гулбозлар боқди тоза гулини.
Мен билмадим на жойлардан келганин,
Сўраб билмак даркор ўсган элини.

Эшитсак бўларди айтган сўзини,
Сатта тожик қишда кўмган музини.
Сўраб билсак қандай одам қизини,
Билмак даркор меҳмонларнинг ўзини.

Кўрганларнинг ичи ғамга тўлганин,
Юнус энам яхши хизмат қилганин,
Ой Зайдин ҳам, Гулчеҳра ҳам бор экан,
Билмак даркор улар қайдан келганин.
Маслаҳат қинг, бориб уни сўрайик,
Лашкар қилиб орқасидан юрайик,
Отама икковин олиб берайик.
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?

Шундай қизлар кепти Чамбил элига,
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?
Ажаб бунда кепти яхши паризод
Билмак даркор келган сулув қизларни.
Маслаҳат бер, хон Ҳасанга жамоат!

Юринг энди ёппа ёвлиқ борайик,
Эшикларни очиб, очиб кўрайик.
Сўраганинг асло бўлмас айиби,
Қандай одам ёканлигин билайик.

Туркман элдан одам йиғиб, халойиқ,
Сўнг билан катта маслаҳат қилайик.
Нима бўлсак ундан кейин бўлайик.

Ана энди ҳамма халойиқ: «Гўрўғлига худо инсоф берса амри подшо вожиб. Бир олган олганики қилса, ҳаммамизга битта-битта хотин тегса», деди. «Худой» деган кўп бўлди. Ана энди Аҳмад сардор — тўғри ўзбек бечора, халойиққа қараб, бир сўз айтяпти:

Шундай қилсак, элатга гап бўлмасми?
Ҳамма подшо лаънатнома қилмасми?
Ўзбаки-зураки қилсак бу ишни,
Беклар, бу ишингиз уят эмасми?

Осмоннинг остига сўз бўп кетмайми?
Ундан ул, бундан бул эшитмайми?
Шундай бориб кўрсак, келган қизларни,
Ҳамма подшо, аҳ ҳақ, хайфи сенга, деб,
Чамбил элни келиб тўпга тутмайми?
Бу ишимиз уят бўлиб кетмайми?

Юнус пари катта подшо боласи.
Энди бўлди сўзларингнинг чаласи.
Уят сўзни сўзламанглар халойиқ,
Икковини кўп мақтайсиз, Ҳасанжон,
Шу келганлар бир подшонинг боласи.

Юнусжонман бир жойда дўст бўлганди,
Бир-биридан кўнгиллари тўлганди.
Бу ишингиз, беклар, уят бўлмайми?
Дўсти Юнусни қутлуғлаб келганди.

Билмайсизми, ўзбекларнинг расмини,
Эрга терса «қутлуғ бўлсин» бир гап бор?
Қутлуғ бўлсин деган ота меросди,
Ота-бобомиздан қолган ёдгор.
Маълум бўлиб қолар шунинг келгани,
Уят бўлар, бу ишларни қўйинглар.

Олис шаҳарлардан ўзи келганди,
Бу ўйни қўйинглар, бари ёлғонди!
Мен сизга ростини айтай жамоат,
Уялтирманг, келган меҳмон қизларни!
Уй қутлуғ бўлсин деб бунда келганди,
Гапирма, бу ишинг уят Гўрўғли!

Қариндошга яхшиликка яраймиз,
Шол путани салтанатга ўраймиз.
Ой Зайдин асло ёлғон айтмайди,
Эртан билан ой Зайдиндан сўраймиз.

Олқор деган баланд тоғда ётади,
Назаркарда мерган уни ётади.

Ой Зайдин тўғри қиздир ёронлар,
Эрган билан биз сўрасак айтади.

Баччалик қилманглар, бу иш кўп ёмон!
Чамбил элга кепти хўп азиз меҳмон.
Тириклайин кўмманг туркман, ўзбекни,
Ўйланг бу гап орти билсанг ёмондир.
Юнусжоннинг қалин дўсти келгандир
Чамбил элга келгандир азиз меҳмон.

Ўй билан ёронлар кўп иш битади,
Боғда юрган олма, анжир отади,
Аввал ўйлаб қилмоқ даркор бу ишни.
Гулчеҳраман Зайдин рости айтади,
Ўйланглар, бу ишнинг орти кўп ёмон!

Энди Аҳмадбекнинг бу гапи маъқул тушиб, ўтирган
беклар айтди: «Маъқул сўзга қорув йўқ», деди. «Туя муо-
мила (билан) чўкади, деган бир гап бор», деди. Шу гапни
дуруст қилиб тураверсин. Энди гапни Соқибулбул билан
Юнусдан, Мисқолдан, Гулнор паридан, Гулчеҳражондан,
ўтирган сатта сулув қизлардан эшитмак даркор.

Ана энди Соқибулбул маст бўлиб, қизларга қараб, бир
сўз айтди. Тонг отиб кетди. Соқибулбул шу қизлар кетол-
масин деб айтди. Ана энди Соқибулбулнинг айтаётган
сўзи:

Болдан ҳам ширинди сўзлар,
Ярқиллашиб жоду кўзлар,
Кўкрагида муштдай безлар,
Кулинг, ўтириш фанимат!

Эримас тоғларда қорлар,
Юракдан кетди губорлар,
Хур сифатли сап парилар,
Майхўрлик қилинг, жононлар!

Юракдан кетди войимлар,¹
Сатта гардони майинлар,
Буралишган сап ойимлар,
Уйнаб кулмакка қойимлар,
Кетсин юракдан туюнлар²
Иш бўп кетмасин қийинлар!

¹ Ваҳимлар.

² Тугунлар.

Гуланор кеп Ҳиндистондан,
Ҳеч қўрқмайман ширин жондан.
Қутулмайсан баринг мендан;
Умидим анча кўп сендан.
Узим келдим қотоғондан,
Жўш қинг аллаёр-аллаёр!

Жонимни айлайин қурбон,
Нечовлар бўп кетди сарсон;
Майхўрлик қилинг, Юнусжон,
Бу дам билсанг фаниматди!

Соқибек кўп сўзни айтди,
Навбат сап қизларга етди.
Айтинг қаддингдан, қаддингдан!

•

Ана бу бойвачча қиз, подшонинг қизи шўҳ бўлар экан,
Ҳиндистон подшосининг қизидан эшитмак даркор гапни.
Уртага кириб, енгни туйиб, қошини, кўзини сузиб, томоша
қилганнинг кўнглини бузиб, Гулдор пиёлани қўлига олиб
ҳар ранг товоқларга [майни] солиб, аллаёр деб бир сўз
айтди, уйнинг теварагини одам тутди:

Коса берай қўлим толиб,
Ҳар косага майни солиб,
Менинг белгинам буралиб,
Юнус, аллаёр-аллаёр.

Жовдирашиб жоду кўзлар,
Асалдан ширинди сўзлар,
Сўлқиллаган санам қизлар,
Нўш қинг, аллаёр-аллаёр!

Юрагимнинг кетгай дарди,
Обод Чамбил элнинг юрти.
Олинглаар майнинг навбати,
Жўш қинг, аллаёр-аллаёр!

Қарининг қўлида ҳасса,
Юракларда ғаму ғусса.
Кўзим йўлда, қўлда коса,
Қизлар, аллаёр-аллаёр.

Ҳарна бўлсак энди бўлдик,
Қидиришиб бунда келдик,
Юнусга хизматкор бўлдик.
Майхонада коса олдик,
Мажлисни каттакон қилдик,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ҳангамада оғзингдан дур
Сочинг, аллаёр-аллаёр!
Худо берса, яхши эрни
Кучинг, аллаёр-аллаёр!

Беклик халқи майлар ичар,
Уруш қип душмани санчар,
Кафаннинг тўнини бичар;
Қўрқоқлар ўлдим деб қочар.
Маст бўнг, аллаёр-аллаёр!

Подшо қилдик Юнусжонни,
Кўрармизми Ҳиндистонни,
Хизматга соп Гулнорхонни,
Чеҳра, аллаёр-аллаёр.

Юнус пари биздан голиб,
Қўлиман косани олиб,
Эрам¹ боғдан Мисқол келиб,
Гулнор косани олиб,
Тонг отгунча мажлис қилиб,
Соқибулбул созни чалиб,
Чалинг, аллаёр-аллаёр!

Бу турган жоду кўзларни
Юнус пари хизматларга
Солинг, аллаёр-аллаёр!

Шу бугун мажлис этармиз,
Қўлга косани тутармиз,
Саҳар Ҳиндистон кетармиз.
Насва тортган куни бир кун,

Тағи Чамбилга етармиз.
Авж қинг, аллаёр-аллаёр!

Қовоғимиз уюлишдик,
Қарчиғайдай чуйилишдик.
Эрам боғдан Мисқол пари,
Ҳиндистондан Гулнор пари,
Чамбил элга йиғилишдик.
Маст бўнг, аллаёр-аллаёр!

Эшитинг ой Юнус додди,
Қулоқларим гувлаб кетди.
Қизиқ Гулнорнинг суҳбати,
Туркман элнинг паризоти,
Дўстлар, аллаёр-аллаёр.

Сўз оз бўлсин, қизил тилдан,
Қистаб ўтдик неча чўлдан.
Насва тортиб келиб қолдик,
Биз келдик Ҳиндистон элдан,
Юнус опа қулоқ солинг,
Хабар олинг ҳамиша ҳолдан!
Дўст бўнг, аллаёр-аллаёр;
Маст бўнг, аллаёр-аллаёр!

Ҳар ким ёриман жуфт бўлди,
Кўп айтсам сўзим лоф бўлди.
Олинг сулувлар, аллаёр;
Энди мажлисим соб бўлди,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ҳаммасига сўзи ёқиб,
Чеҳра пари қаддин букиб,
Қизиб кетиб Гулнор пари,
Нима бўлганин билмайин,
Беҳаёл бўп лабин тишлаб,
Ҳар тарафга қошин қоқди.
Тоғни туман чолиб қолди;
Элдан одам келиб қолди.
Гулнор сўзини эшитиб,
Эшикдан қараган беқлар,
Эсанкираб, эси кетиб,
Чала жонсар бўлиб қолди.

Қизлар ўсма қўяр қошга,
Хуркаб жондор сувсиз даштда.
Шу мажлис бузулмайин,
Бирови эшикни очса,
Қун бўлибди вақти чошқа.
Қойил бўлди энди ишга.

Билсанг, дунё ғаниматди,
Новқар минар илдам отни.
Мисқол билан Гулноржонни,
Энди ҳамма билиб кетди.

Ана энди чирқиллаб элни одам босиб кетди. Тонг отганлигини, бу қизлар кетолмаслигини билди энди. Бир неча «ҳеч ким билмаганда кетар эдиқ-да, энди бизларни туркман, ўзбек олади-да» деди.

Гўрўғлибек оқ тортди: ҳужрасига кириб, кўкрагини нам ерга қўйиб ётди; беҳуш бўлиб ўзидан кетди. Шу кундуз ҳам ўтди. Энди бу қизлар уялиб, қандай бўлди дейишди. Гўрўғлибек ўлгандай йўқ бўлиб кетди. Кун намозшомга етди. Энди Юнус пари «меҳмонларга нима берамиз», деб Гўрўғлини сўратди. Ҳамма «бизлар кўрганамиз йўқ», дейди. Юнус парининг ўзи шу ҳужранинг оғзидан ўтиб келаётиб эди, пиш-пиш этди. Аста ҳужрани очиб қараса, Гўрўғлибек ўликка ўхшаб ётибди. Юнус пари ҳай-ҳай деб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаверди:

Ширвон элни кўзидай бўзлатибсиз,
Ваянгандан обрў топиб қайтибсиз.
Полвоним, кўтаринг қора бошингни,
Сабаб нима, хафа бўлиб ётибсиз?

Бемаънидан оқизибсиз ёшингни,
Нега буйтиб қочирибсиз ҳушингни?
Юнусдай қаллиғинг келди, тўрам деб,
Шоҳ тўрам, кўтаргин азиз бошингни!

Эштайин, валламагим, сўзингни,
Ҳеч бемаъни саргайтириб юзингни,
Юнусдай бойбиччанг келди кўргани,
Полвонгинам, очгин қора кўзингни!
Сўйлайди оғзимда бебўгин тилим,
Менинг ҳолим яратган ҳаққа маълум.

Сиз буйтиб ётибсиз жоним қолмади,
Оч кўзингни, кўтар бошинг полвоним!

Тарафларнинг кўнглини қабартибсиз,
Иншоолло мартаба етибсиз.
Сизни кўриб менинг жоним қолмади,
Сабаб нима, хафа бўлиб ётибсиз?

Сиздай мард арабдан олди ўчини,
Макка борган қиладикан хожини.
Сўзингиз кўзима сурма, шоҳ тўрам,
Юнусга айт ётганингнинг важини.

Сизни кўриб, юракларим бўлди қон,
Бўлиб, келди неча одам саргардон.
Икки азиз меҳмон бунда келувди,
Ой Юнусга маслаҳат бер, бегижон!

Сўз чиқади Соқибулбул тилидан,
Ошиб келган Лангар тоғнинг белидан;
Шоҳ тўрам, ўзима беринг маслаҳат,
Меҳмон келган Ҳиндистоннинг элидан!

Тортиқ таролғини ўзи қилибди,
Уят эканини ўзи билибди.
Бул отасин Той ҳинди дер отини,
Сизга айтай авлодини зотини.

Гулнор пари Ҳиндистондан келибди,
Сулув қизлар сизга меҳмон бўлибди.
Бирор нарса лозим эди ёпмоққа,
Эрам боғдан Мисқол пари келибди.

Ойга ўшан¹ чин сулувнинг юзини,
Гўрўғли эшитди Юнус сўзини.
Бу гапни эшитиб Гўрўғли подшо,
Нимкаласоз очай деди кўзини.

Ишқивознинг юрак-бағри куяди,
Фарзандсизнинг ўтгай умри зояди.²

¹ Ухшаган.

² Зоедир.

Ғайрат қилиб, Юнус пари, туринг, деб,
Гўрўғлининг бориб бошин суяди.

Мисқол пари кўп қочирган ҳушини,
Тулки олиб ейди тоғнинг қушини,
Гўрўғлибек ой Юнуснинг гапиман,
Дод деб кўтарди қора бошини.

Ана энди Гўрўғлибек, дод-фарёд деб Юнусжонга қараб, бир сўз айтди:

Яхши бўлгин, ҳеч ёмонлик кўрмагин,
Қиёматгача Юнусжон ўлмагин!
Айтаверсам, менинг дардим кўп қаттиқ,
Юрагимда дардим кўпдир, сўрмагин!

Ёнашма, Ой Юнус, менинг олдима,
Кет-кет, қаддингдан асло турмагин!
Худо раҳм айлагай сенинг ҳолингга,
Насиб тортиб келдинг Чамбил элига.

Бу дардима келиб шерик бўлмагин,
Қаддингдан, кетавер, келган йўлингга!
Шу ишимни сен битириб бермасанг,
Кетавергин, сен ҳам ўсган элингга!

Уйқум келиб, ўзим мажлисдан кетдим,
ўнгма-сўл бўп уйнинг олдига етдим.
Аста-аста бориб уйнинг қошига,
Дўмбиранинг товушини эшитдим.

Энгагимни мен тешикка тирадим,
Давлатим бор, ҳар ранг салла ўрадим;
Бу товуш эшитиб менинг ўзгинам,
Чини билан уйга тиклаб қарадим.

Айтаверай сенга ўзим кўп сўзни,
Овладим кўллардан ўрдакман ғозни.
Уй ичида кўриб ўзим, қаддингдан,
Тўрда кўрдим икки бегона қизни.
Ҳар тарафда кўрдим неча канизни.

Ишқивоз бўп ўзим хуноба ютдим,
Уруш куни ўликни шохдай чотдим.

Мен сенга айтайин рости сўзларни,
Чап ёнингда [хўриб] битта жононни,
Беҳуш бўп, қаддингдан, ўзимдан кетдим.

Ҳеч ким мени суямади вой-вой,
Далада мен ўзим кўп вақтлар ётдим.
Эсим кетиб, ўзим очиқ қолибман,
Ёта-ёта менинг ўзим, совқотдим.

Шовқин солсам, мен уялдим элатдан,
Астагина туриб изима қайтдим.
Майхонада ўзим банги бўп ётдим.
Куйганимдан бориб дўмбира чертдим.

Юратимда армон кўпди, сўрама,
Бориб бир-бир қилиб элатга айтдим.
Мен сенга ростини айтсам, ой Юнус,
Олдингдаги қизга ишқивоз бўп кетдим.

Мен кетаман турган қизнинг юртига,
Тўранг миниб олар Ғиркўк отига.
Мен сенга ростини айтсам, қаддингдан,
Ошиғи мубтало бўлдим бетига.
Шерик бўлдинг мендай марднинг дардига.

**Ана энди Юнус пари Гўрўғлибекка қараб, «ғам ема,
қўнглингиз кетса, уни иложи осон», деб бир сўз айтавер-
ди:**

Ишқ йўлига ҳозир бўпсиз гирифтор,
Ул иккови мендан зиёд эмас-да.
Гулнор пари, тўрам, менга хизматкор.

Ваҳим кетсин қўнглингни чорбоғидан,
Ўтолмайди Юнуснинг арвоҳидан.
Мисқол пари, тўрам, менинг канизим,
Кеп кетади ўзи Эрам боғидан.

Хизматкорга шуйтиб қўнғил бердингми?
Аё тўрам, энтак-тентак бўлдингми?
Гулнор пари, Мисқол пари етимим,
Етимима шунча ишқивоз бўлдингми?

Ёт десам ётади, жавоб бўлса кетади,
Сулувликдан мартабаси баландроқ,
Жавоб берсам ўзи уйга кетади.

Кетманглар, деб ўзим жавоб бермасам,
Ўл-ўлгунча вағанимда ётади.

Етимима шуйтибгина қолдингми?
Аё тўрам, жинни-пинни бўлдингми?
Бир гап бўпти валлакатим ўзингга,
Эмас ерда душман тушар изингга.
Канизимни аё, тўрам, тенг кўрсанг,
Олиб берай, лозим бўлса ўзингга.
Ҳар тарафдан канизларим йиғдирай,
Хотиндан шоҳ, тўрам сизни тўйдирай.
Кўнглингиз қийшайса хизматкорима,
Ғам еманг, хизматкорларимни суйдирай!

Бугун сизга кўрсатаман бўйини,
Кеткараман юракларнинг ўйини.
Мажлис қилиб, ўзим била ўтқазиб,
Агар кўнглинг тўлса қоши кўзидан,
Оп берайин Гулнор, Мисқол парини.

Аввал ўзингизни чоқланг, бегижон!
Булар билан қидаган ишим битади,
Ўлгунча ёт десам, бунда ётади.
Жавоб берсам уй-уйида кетади.
Жавоб бермасам, тагин ўлганича,
Булкиламай хизматимда ётади.

Валлакатим жинни-пинни бўлибсиз,
Бу иш бўлса ўзи осон ғам еманг,
Шу палла десангиз, бу иш битади!
Ғам еманг оп берай Мисқол парини,
Тўй қип оп берайин Гулнор парини!
Ихтиёри, тўрам, менинг қўлимда,
Ғам еманг, бу ишлар осон битади!

Йиғайин Чамбилнинг катта бегини,
Катта одам буйтиб айтмас ўйини.
Бу ишнинг иложи осон, шоҳ тўрам,
Қилиб берай ой Мисқолнинг тўйини.

Кетиб қопсиз ўзингиздан ҳар замон,
Эрам боғдан меҳмон бўлган Мисқолжон,
Кўйи қофдан бунда келган Юнусжон.

Ҳиндистондан келган бунда Гулнорхон.
Агар олиб берсам ишим уятди.
Тойҳиндига совчи юбор, бегижон!

Қулоқ қўйинг ой Юнуснинг тилига,
Йигит куяр ишқивозин хилига.
Отаси зўр подшо, малол келмасин,
Совчи қўйинг Ҳиндистоннинг элига!

Энди ҳазил билманг айтган сўзларни!
Ҳар тарафга қаратамиз кўзларни.
Бирдан айтсак жанжал бўлиб қолмасин,
Аввал жўнатайик меҳмон қизларни.

Йиғиб олай сайёдларнинг тўрини,
Қуритайин нечовларнинг шўрини.
Қора бошим қора гўрга кирмаса,
Ғам еманг оп берай икки парини!

Аввал совчи эр кишидан лозимди,
Ҳазил билманг, валлакатим, сўзимни.
Хат юборсам лашкар келар элимдан,
Кичик одам деманг, менинг ўзимни!

Шунча ҳам кўп бўлди буларга хизмат,
Баракалла Юнус пари сенга деб,
Ой Юнуснинг ўзин қилди зиёрат.

Ана энди [Гўрўғли]:

— Шу айтган гапинг бари ростми?— деди.

Юнус пари айтди:

— Менинг гапимнинг ёлғони борми? Ҳўйт десам лашкар тутиб кетади. Ғам еманг олиб бераман,— деди. Ана энди Гўрўғлибек билан димоғини чоқлаб, ваъдалашиб, Юнус пари туриб кетди. Меҳмонларнинг олдига етди. Қилди ҳангома, қилди зиёфат. Гўрўғлининг хазинасигача анжом-асбобигача, ҳар нима бор давлатини кўрсатди [меҳмонларга]. Бу анжом-асбобларни кўриб, «агар Гўрўғлига тегсак ҳам ўлгунча хор бўлмас эканмиз» деб, кўнгли қийшайиб кетди [қизларнинг]. Ана энди ўрдада [ой Юнус], Мисқол пари, Гулнор пари, ҳамма қизларга қараб бир сўз айтар экан:

Сарғаймасин менинг ойдаи юзларим,
Сизга кўпди юз карашма нозларим.
Айтган гапнинг ҳеч пушмони бўлмайди,
Маслаҳат бер ой Юнусга, қизларим!

Оқшом чолинар хўп қойим созлар'
Мард йигит душманнинг бағрини тузлар.
Айтган гапнинг ҳеч зарари бўлмайди,
Маслаҳат бер ой Юнусга канизлар!

Ҳар кимнинг аҳволин худо билади,
Бир одамнинг ранги гулдаи сўлади.
Ҳар ким сирни ўрталиқда айтади,
Гулноржон, маслаҳат қандаи бўлади?

Кеча оқшом иш қабоҳат бўлибди,
Сўзин айтиб, Соқи созин чалибди.
Мен сизга айтайин бўлган гапларни,
Битта одам ҳамма гапни билибди.
Қизиқ билан ҳеч далага чиқмабмиз,
Шу, одамнинг эси кетиб қолибди.
Қоровулни қўймоқ даркор эканди,
Билдик, шу ишимиз уят бўлибди.
Ойимлар, маслаҳат қандаи бўлади?

Юраги ичи ўртаниб кетибди,
Мен сизга ростини айтсам, Мисқолжон,
Шу, одамнинг чўртта ақли кетибди.

Худоё раҳм айла унинг ҳолига,
Узи каттакандир туркман элига.
Мисқолжон, ўзима беринг маслаҳат,
Бир тасалли шу одамга бермасак,
Кетиб қолар Ҳиндистоннинг элига.

Ғайрат қилиб неча тоғдан ўтади,
Меҳмонлар, беринглар менга маслаҳат,
Маслаҳатим Чамбилбелда битмаса,
Шу одамзот бошин олиб кетади.

Ҳай, куйганидин гапни гапга улабди.
Яратгандан эсонликни тилабди.
Бориб эдим қалайсан деб, олдига,
Упкасин босолмай бўзлаб йиғлабди.

— У не деганинг?— деди қизлар. Энди Юнус пари кўп гапларни айтди, навбат Мисқол парига етди. Мисқол пари Гулнор парига қараб, ана шуйтиб, бир сўз айтаверди:

Келиб эдик Чамбил шаҳринга меҳмон,
Маст бўлиб кетибмиз бунда бегумон.
Юнус опам бундай деди бизларга,
Маслаҳат бер Мисқолжонга, Гулноржон!

Яхши экан оқшом созин чертади,
Сўзлаганда бадан болқиб кетади.
Гулноржон, ўзима бергин маслаҳат?
Томошага келиб эдик ҳаммамиз,
Чакки-чукки бемаза сўз айтади,
Гапидан кўнглим ҳуркиб кетади.

Бизар келиб эдик Эрам боғидан,
Сайил қилдик бу санам чарбоғидан.
Бу сўзни ўйласам, опа, орти бор,
Мен қўрқаман ой Юнуснинг гапидан.

Биз аёлмиз бўп қолмасин қиёмат,
Ҳар жойда бир олло қилсин солومات.
Ой Юнуснинг мен сўзидан қўрқаман,
Гулнор опа, беринг менга маслаҳат!

Нима бўлсак билалашиб бўлайик,
Не иш қилсак рози бўлиб қилайик.
Гулноржон, ўзима беринг маслаҳат,
Икковимиз бир маслаҳат қилайик,

Маслаҳат қинг, энди жонни сотамиз,
Эрам боғда олма-анжир отамиз.
Маслаҳат бер, ой Мисқолга, Гулноржон,
Юринг дарров Ҳиндистонга кетамиз!

Қулоқ солманг, ҳарна деса тилига!
Ҳеч қараманг, ҳеч банданинг қўлига!
Ой Юнусни Гулқиз олиб берувди,
Юринг дарров Ҳиндистоннинг элига.

Ҳами замон чакки гапни айтади,
Айтгандан кай ич ўртаниб кетади.

Уйланг, Юнусжоннинг гапи кўп қийин,
Ҳами замон чалпас гапни айтади;

Юринг дарров Ҳиндистоннинг элига!
Дучор бўлдиқ туркманларнинг қўлига.
Тезроқ юринг, Ҳиндистоннинг элига,
Йўлиқмайин бахшларнинг қаҳрига!
Йигит халқи сулув қизнинг баҳрида;
Юнус сўзин айтса, ишлар қабоҳат,
Юринг дарров Ҳиндистоннинг шаҳрига!

Энди келмай Эрам боғда юрамиз
Ҳиндистонда уч ой, тўрт ой турамиз,
Сайил қилсак Санам чорбоғ борамиз,
Юринг, Гулнор, отангиз давлатига,
Тезроқ юринг, ватанларга борамиз!

Бу гапларга ҳушим кетди ҳар замон,
Гапни эшитсам юрак бўлар тўла қон.
Юринглар тезроқ Ҳиндистон элга,
Ҳиндистонга дарров юринг, Гулноржон!

Ана энди Гулнор пари Мисқолга қараб, ҳам Юнусжон-
га қараб, бир сўз айтаверди:

Чамбил элда бўлган завқи-сафома?
Йўлда чарчаб ортган жабру жафома?
Туйқисиндан ёмон гапни айтарма?
Ихтиёрим қўйдим Юнус опама.

Юнус пари юрагимни мойтарма!
Яхши одам айтганидан қайтарма?
Юнус пари ўзи эсли одамди,
Туйқисиндан бемаза гап айтарма?

Пиёлага, балки, майни қуйинг дер,
Оқ баданга гулдор кўйлак кийинг дер.
У гаплардан сенга малол келмасин,
Катта хизмат бўлса сен билан бизга,
Иложи бўлса, эрга тегинг дер;
Бу дунёда айш-ишрат этинг дер.
Кетмаймиз деб айтийик икковимиз,
Эртан билан «хуш келдинг» деб, «кетинг» дер.

Оғир хизмат бўлса сен билан бизга,
«Ойқалашиб бир кўрпада ётинг», дер.

Тоғдагининг кўзи тушар лайлига,
Меҳмон бўлиб келдинг мана ҳовлига,
Унинг учун хафа бўлманг ой Мисқол,
Ҳар ким нима ишлар қилса, майлига.

Париларнинг юзи гуллар нақшидир,
Рустам минган от сараси, рахшидир.
Буйтибгина ёлғиз бўлиб ётгандан,
Бир одамман ўйнаб кулган яхшидир.

Нима деса яхши чопон кияман,
Зулфни тоблаб, қора сочни ёман.
Эр деганга қўрқасанми, ой Мисқол?
Теккин деса, дарров эрга тегаман.

Бу гапингга жоним ҳайрон қолади,
Эрсизларнинг кўнгли вайрон бўлади.
Мен «эрга тег» деса, дарров тегаман;
Қиз деган бир кун куёвли бўлади.
«Эрга теккин», деса Юнус опамлар,
Ростин айтсам сўгин кўнглим тўлади.

Уйтиб, буйтиб шу кундуз ўтди. Энди сўз бошқача бўп
кетди. Илгари гап бўлак эди; эндиги гап рост бўлиб кетди.
Ана энди Юнус пари Гулнор пари билан Мисқол парига
қараб бир сўз айтаверди:

Мен сизга ростини айтай меҳмонлар,
Хон Гўрўгли ётар вақти келибди;
Ҳангомага ўзи қулоқ солибди.
Мен сизларга айтай рост сўзимни,
Кўзи тушиб, эси кетиб қолибди.

Чамбилнинг шаҳрида даврон сурибди,
Уз жойида шундайгина турибди.
Мен сизларга айтаверай қиссани,
Бу дарчадан икковингни кўрибди.
Кўриб икковингга кўнгил берибди.

Айтаверай энди гапнинг ростини,
Ошни, нонни емай уйда ётади,

Ғирни минса Кўйиқоғга етади.
Тагин-а, сизларга гаранг келмаса,
Ой Мисқолни оп бергин деб айтади.

Узум, овқат томоғидан ўтибди,
Киндиккача қоп-қора бўп кетибди.
Гўрўғлибек кўриб ҳарна сирларни,
Эсанкираб банги бўлиб кетибди.

Мен сизларга айтаверсам рост гапни,
Ой Мисқолни оп бергин деб ётибди.
Икковингга чўртта кўнгли кетибди.
Мен сизларга айтаверсам бўлганиң,
Вой-вой деб, беҳаёл бўлиб ётибди.

Кўнмасанглар, ҳазили йўқ, ўлади.
Хотин деган эрга жаннат бўлади;
Ишқибозлик билсанг одамга ёмон.
Қоровуллар қўйди йўлларингизга,
Ҳамин замон ўзи келиб қолади.
Яхши гапман тега қолинг икковинг,
Ҳар қандай бўлса сизларни олади.
Олиб туриб никоҳига солади.
Хўп томошалар қилиб қош-кўзларингизга,
Икковингни иноқ хотин қилади..
Анжом-асбобларни сизга топшириб,
Икковингга ўзи дамхўр бўлади.
Маслаҳат бер, ой Юнусга икковинг,
Гулнэржон, маслаҳат қандай бўлади?

Ёмон, эшיתיбди асал сўзингни,
Хўп кўрибди юз туманли нозингни.
Бўлар гапни айтиб қўяй сизларга,
Худой тақдир қилса олар ўзингни;
Ярқаллатар сенинг жоду кўзингни.
Жанжал қилмай хайр денглар, меҳмонлар,
Ҳар қандай бўлса ҳам олар ўзингни!

Бу Гўрўғли неча тоғлардан ўтган,
Қизил девни бало бўп миниб кетган.
Кўйи қоғга фирибман ўзи етган.
Оти овазама бориб Гўрўғли,
Гулшан боққа бориб, Гулзорда ётган.

Мен ҳам тегмайман деб кўп жанжал қилдим,
Фириб билан ишимни қилиб кетган.
Умри узоқ неча тоғдан ошганди,
Кўрган тарафларнинг ақли шошганди.
Гулнор пари, Мисқол пари, қулоқ соғи,
Қирқ кун мен тахтимда ухлаб ётганда,
Гулқиз қургур бизни ўзи қўшганди.
Чучук уйқуда қучоқлабди ўзимни,
Ҳийла билан Гулқиз мени қўшганди.
Оп қўйибди, билмай қопман мен ўзим,
Юнус пари сўгин дамдан тушганди.

Ана энди Мисқол билан Гулнор пари алл ҳайрон бўлди.
Юнус катта одам, бу сўзни бежой айтди. Ана энди бу гап оғирга айланиб кетди. Гулнор пари баттоллик қилиб бир сўз айтди:

Гап чиқади куйганларнинг тилидан,
Ошиб келдик ўтла тоғнинг чўлидан.
Умидим Юнусжон сиздан шуамиди,
Келувидим Ҳиндистоннинг элидан?
Ҳеч иш келмас кам ғайратнинг қўлидан;
Нима деса айтганини қилайик,
Эсон-омон кетсак Чамбилбелидан.

Талтайишиб катта одам бўлувдик,
Ўзбошимчалак ишларни қилувдик.
Сизнинг уйли бўлганлигингизга,
Уй қутлауғлаб, «қутлаи бўлсин», қилувдик.

Неча одам ҳасратимни емайми?
Отам менинг «эҳақ сенга» демайми?
Бизар тегиб қолсак Гўрўглибекка,
Ҳайфи лаънат олиб қўйган демайми?
Подшоликқа зўрлик иш уят бўлар,
Ҳамма одам лаънат сизга демайми?
Меҳмонини олиб қўйган демайми?

Ана энди Юнус парига қараб, Мисқол пари бир сўз айтаверди:

Худоё ўйилсин душманнинг кўзи,
Сарғаймасин яхши одамнинг юзи!
Ихтиёрим ҳар вақтда сизда,

Менинг ўзим сиздай жоннинг канизи.
Жавоб беринг Эрам боққа кетаман.
Қирқ беш кунда тағи Чамбил етаман;
Бориб туриб, ота-энамман гаплашиб,
Ундан кейин олдингизга келаман.
Келиб туриб сўнгра хизмат қиламан.

Амрингизда то ўлгунча бўламан,
Бул калламни этагингга соламан.
Маслаҳат битириб, бориб келаман,
Чин сидқидил келиб хизмат қиламан.

Айтадиган ўзим йиғинда сўзман,
Қарайдиган отама икки кўзман;
Дўсти-душман яна таъна қилмасин,
Ҳамиша мен сизга яхши канизман.

Ўзим сизга келмоқликка хат берай,
Балки, Юнус, ўзим сизга зот берай.
Амрингизни қиламан деб айтувдим,
Тилгинамдан келмоқликка хат берай.

Тилла пиёлага асал қуяман,
Бориб Эрам боғдан одам йўғаман.
Оламан деб ишқи келса полвоннинг,
Тағин-а, жанжаллашиб сиз юрмасанг,
Кўнгли кетса, теккин десанг, тегаман.

Тағин-а, бир куни ғамга тўлмасанг,
Тегиб қўйсам, кўнглингга оғир олмасанг,
Хон Гўрўғли яхши кўрса ўзимни,
Тўқол, деб опажон жанжал қилмасанг,
Ҳали ҳозир кетаман Чамбил элингдан,
Сен бандасан, ҳеч иш келмас қўлингдан,
Тегиб қўйсам урушмаслиққинангга.
Сен ҳам ҳужжат беринг, Юнус тилингдан!
Кўнглигинанг ошдай бўлиб тошмасанг,
Араз уриб Бало тоғдан ошмасанг,
Аёл деган бахтга бежой куяди,
Тўқол, деб сен бир куни юлишмасанг,
Тег десанг, тегайин Гўрўғли хонга.

Ана энди Мисқол пари айтди:

— Юнус подшоҳим, ҳали-ҳозирча «теккин», деб мард бўласан. Бизар тегиб қўйсақ сиздан тортиб олиб қўямиз Гўрўғлини. Сўнг қип-қизил дард бўласан. Ана энди айтадиган гапимни айтиб бўлдим. Энди ўзинг биласан,— деди. Ана энди Гулнор пари Юнусга айтди:

— Хайр, агар Мисқол тегса, мен ҳам текканим,— деди. Ана Юнус пари Гулнор билан ой Мисқолга қараб бир сўз айтаверди:

Чалқиган кўл ўрдак билан розники,
Тўй бор ерда яхши созман сўзники.
Сўзгинамни икковинг синдирмасанг,
Чамбил шаҳри то ўлгунча сизники.

Эшитинг Мисқолжон ўзимдан додди,
Бир неча хушвақтди, нечов бўзлатди.
Ул¹ суйинглар, қиз суйинглар дунёда,
Икковингга бериб қўяй калитти.

Давлатлиман кўнглингни жўширай,
Душман қурсин, ақилларни шоширай;
Айтган сўзни қабул қилсанг икковинг,
Ҳарна борни икковингга топширай.

Қабул қинглар Юнус пари тилини,
Шамол чангитади тоғнинг белини.
Агар қабул қилиб тегсанг икковинг,
Топширай иккиннга ҳамма пулини.
Обод қинглар, энди Чамбилбелини!
Аввал Эрам боққа иккинг боринглар,
Кўриб кенглар Ҳиндистоннинг элини!
Келгандан кай тўй қиламан Чамбилда,
Томоша қинг Асқар тоғнинг белини!
Икковгинанг қабул қилсанг, чирогим,
Бор сизларга бердим туркман элини.

«Гап шу, гап шу», дейишиб энди учови, ҳамма қиз бетига кўтарди қўлини. Уйтиб, буйтиб кун намозшомга етди. Ана энди ё фириб бўлди, ё рост бўлди. Ҳамма одамга рост, ростга чиқиб қолди. Ана Юнус пари талпайибгина мийигида кулиб, бели буралиб, Гўрўғлибекнинг олдига ку-

¹ ВҒНА.

либ борди. Юнуснинг кулганидан умид қилиб, Гўрўглибек жойидан туриб, бир сўз айтаверди, Юнусжонга қараб:

Туя жетган¹ баланд тоғдан ўтдимиз?
Изингдан садаға, жоним Юнусжон,
Совчилигинг, Юнус пари, битдимиз?
Пиширган овқатни қизлар едимиз?
Яхши гапни эсли одам дедимиз?
Кулишингдан мен садақа, ой Юнус,
Ой Мисқол, қаддингдан, хайр, дедимиз?

Тоққа чиққан пастга қараб эндимиз?
Айтган гапинг париларга кўндимиз?
Мен айланай сенинг қилиққинангдан,
Мисқол билан [Гулнор]² пари кўндимиз?

Заргарда ўқидим алиф забарди,
Шоир одам айтса сўзга чеварди.
Яхши гапга фаришта омин демиш,
Совчиликдан менга бергин хабарни,
Қаддингдан, совчилик, айтгин битдимиз?

Эшитгин Юнусжон менинг зоримни
Хайр, деса сарф айлагин боримни.
Совчилигинг битган бўлса, ой Юнус,
Тўй қип, талат хазинада заримни.

Менга кўрсат Гулнор пари бўйини,
Сен кеткардинг юрагимнинг ўйини!
Совчилигинг битган бўлса, қаддингдан,
Қилавергин Мисқолжоннинг тўйини!

Чақириб кел Туркман элининг бийи билан
бойини,
Пойгага бойлагин дўнан тойини!
Қабул қилса Мисқол билан Гулноржон,
Қизиқ қилгин икковининг тўйини!

Ширинкомасига аввал кўрайин,
Бир кўрсатгин ўтиришда бўйини!

¹ Жетган — етган, етаклаган.

² Қўлёзмада «Юнус пари» дейилган. Бу дostonчининг хотирпа-ришонлиги натижаси бўлса керак.

Ўзим бўлсин учовгинангдан қурбон,
Ғирни минсам яқин бўлар Ҳиндистон,
Хайр деса, элни йиғиб тўй қилгин,
Катта тўйни қилавергин, Юнусжон!

Қуллуқ деб, Юнусжон Мисқолжон, Гулнор пари билан
Гулчеҳрани ой Зайдиннинг олдига етди. Ана шуйтиб, ҳан-
гама чақ-чақ қилиб, хўп ҳангамалашиб ётди. Юнус пари
айтди:

— Энди Мисқол, Гулноржон! Хайр десанглар, куёв
келса қиз тайёр деган экан,— деди. Мисқол айтди:

— Бизлар сизнинг кўнглингизга қараб, «бир подшо-
мизнинг уйли бўлганини қутли бўлсин қилиб келамиз», деб
кўрган ҳузуримиз шу бўлдими?— деб жавоб айтди. Ана
Гулнор паридан эшитмак даркор гапни. Мисқолга қараб
Гулнор пари лабин тишлади. Энди иккови келган бир меҳ-
мон. Гулнор пари айтди.

— Шу бугун ҳангама қилайик, Гўрўғлибекни ҳам ай-
тиб келинг! Хўп гаплашиб, ўрганишиб олайик, гапга сола-
йик,— деди. Шунга иттифоқнома қилди. Гулнор пари уй-
тиб, буйтиб алдамоқчи бўлди. Кун хуфтондан ўтди. Юнус
пари келиб, Гўрўғлини ияртиб кетди. Ана энди уйтиб, буй-
тиб кун хуфтондан ўтиб кетди. Гўрўғлибек кириб келди.
Юнус пари қўлтиғидан маҳкам суяб олди. «Хизматингиз-
нинг кўланкасидан» деб, Гўрўғлибек маст бўлиб қолди.
Ҳамма қизлар гувлаб тура келди. Гўрўғлибек ўтиб тўрни
олди. Қизил гулдай яшнашиб, терлаб кетди пишнашиб,
чўп терлашиб, кўрган кетди ҳисобидан адашиб. Гўрўғли-
бекнинг кўнгли кетди жўшиб. Ана энди Гўрўғлибек меҳ-
монларга қараб бир сўз айтаверди:

Ҳеч одамзот айрилмасин хайрдан,
Одам юрар баланд тоғда чийирдан.
Кўзингдан жон айлансин, Юнусжон.
Ростин айтгин, меҳмон қизлар қаерда?

Ёмонликка, яхшиликка ярайман,
Ёв кўп бўлса дурбин олиб қарайман,
Меҳмон қизлар қаерданди, ой Юнус,
Мазҳабини, миллатини сўрайман.

Яхши кўрдим меҳмон қизинг рўйини.
Эли бойлар минар дўнан тойини,

Мазҳабини, миллатини сўрайман,
Баён бергин, меҳмонларнинг жойини!

Билиб олай ҳам зотини, отини,
Ўзим кўрай кўнгилларнинг шодини.
Қаддингдан кетайин Юнус паризод,
Менга айтгин меҳмонингнинг отини!
Ростин айт меҳмонлар на элдан келди?

Чопилса панд берар бедов майиби,
Қўлласин йигитни пири ғойиби.
Сўрайман меҳмонлар қайси шаҳардан,
Сўраганнинг асло бўлмас айиби.

Эшитсам экан-да, меҳмон сўзини,
Қийшайтмайди менга икки кўзини.
Хурга ўхшаб мақом қилиб турибди,
Авлодини, миллатини сўрайман,
Бир эшитай меҳмонингнинг сўзини

Урушда ўйнайди чин тулпор ҳайвон,
Меҳмонларнинг эшитайин сўзини,
Гўрўғлини урушмагин, Юнусжон!
Ростин айт, меҳмонлар қайси шаҳардан?

Бир эшитай бу қизларнинг тилини,
Қайси элдан, қайси чўлдан келади,
Менга айтгин бу қизларнинг элини!
Айтаверинг, меҳмон қизлар қаердан?

Гулнор пари Гўрўғлига қараб бир сўз айтаверди:

Кўрмакка отамнинг икки кўзиман,
Соғинса, сарғайган ойдаи юзиман.
Мазҳабимни, миллатимни сўраса,
Ҳиндистонда Той ҳиндининг қизиман.

Ҳиндистон дер, менинг мамлакатимни,
Кимга айтай, юрагимда дардимни.
Мазҳабимни, миллатимни сўраса,
Ҳиндистонда Той ҳинди дер отамни.
Ҳинди дейди, менинг бу миллатимни.

Баланд тоғлар аччиғланса паст эдик,
Душманга ҳамиша бизлар қасд эдик.

«Қутли бўлсин», қип келувдик Чамбилга,
Юнус билан бир вақтларда дўст эдик.

Сўзламоққа ҳангамада тилим бор,
Очилган боғларда тоза гулим бор.
Қиз халқига аввал совчи қўймайми?
Отам подшо, Ҳиндистонда элим бор.

Мен меҳмонман кўп раҳм айланг ҳолима,
Ҳиндистонда булбул қўнар гулима.
Бу ишингиз энди уят бўлмайми?
Кетамаи ҳали ҳозир ўсган элима.

Ана энди ҳангомани бошлаб, Гўрўглибек ўзи анграибди,
бурни танграибди, қизларнинг ўрталигида, ҳар тева-
ракка қараб, шанграиб, Мисқол парининг канизлари,
Гулнор парининг канизлари бири оқ кийган, бири нопар-
мон кўк кийган, бири қизил кийган, бири адрас кийган,
бири банот кийган, бири қирмиз кийган, сочлари товонга
тушиб, юзи қизил олмадай пишиб, тилла латипалар лабга
тушиб, ҳақиқ мунчоқлар жовдир-жовдир этиб, киндикдан
ошиб, сирғаси ҳар ранг қимирлаб турибди, кўк, оқ, яшил
ҳар ранг товлаб турибди. Соқибулбуд келиб, совни чалиб,
бир сўз айтаверди, қизларга қараб:

Жон қизлар қулоқ сонг тилга,
Учасизлар катта белга.
Йигитнинг дармони қизлар,
Меҳмон бўпсизлар Чамбилга,
Жоним қизлар, қадаминг менинг устима.

Хуш келибсиз, санам қизлар,
Тиши оппоқ, дурдай қизлар,
Бутадай ярқиллаб кўзлар,
Ҳиндистондан, Эрам боғдан,
Меҳмон бўлган мулла қизлар,
Мулла қизлар, тилла қизлар!

Серақилли жонон қизлар.
Кўрган одам мен олсам, деб,
Олиб ҳангама қилсам, деб,
Хизматима мен солсам, деб,
Чиниман ишқибоз бўлар.
Элни обод қилган қизлар,

Чамбилдан кетманглар сизлар,
Мулла қизлар, тилла қизлар!

Кўрганда бўлмайди армон,
Танадан кетади дармон.
Эрам боғдан, Ҳиндистондан,
Йиғилишиб азиз меҳмон,
Ҳамма одам интизор, қизлар,
Гапирган гапим эп бўлар,
Бундан кўп бўлса лоф бўлар.
Жунни уюрса қоп бўлар.
Йўлдан ўтса қараб одам,
Қизнинг куёви кўп бўлар.
Тақдир қилган олар қизни,
Яхши қизлар жонга қувват.
Бир одам интизор бўпти,
Гўрўғлини қизлар юпат!

Сатта улкан семиз қизлар,
Қора қошли жоду кўзлар,
Кўкракда тебраниб безлар,
Бизни уришманглар сизлар.
Мулла қизлар, тилла қизлар!

Ана энди шу турган қизлар гулдай яшнаб, бир-бировига қараб, лабини тишлаб, вақтини хушлаб, ҳамма қизлар ёриб кетди. Баракалла Соқибулбулга, ўлганча айттириб одамни мақтаган экан. Гулнор пари Мисқолжонга айтди:

— Ҳар ким топганини айтари бўлди, вақтли туриб ўйга қайтари бўлди,— деди. Мисқолжон:

— Улмагин. Бир ўртага кириб, бир сўз билан мажлис қилайик. Бир буралиб, май сузиб бергин, қиёматгача ёдгор қолсин,— деди. Ана энди Мисқол пари уят-суятни қўйиб, ўртага кириб, Мисқол пари рўмолни елкага қайтариб ташлаб, лабини тишлаб, шу Юнуснинг гулдор пиёласини қўлига ушлаб, худди ўн беш кунлик ойдаи болқиб, ана Мисқолжон ҳар кимга қараб, сўз билан косани узатишини кўринг!

Омонат банданинг жони,
Куймагай-да устихони,
Навбатни онг Чамбил хони,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Уйилмагай-да қовоғи,
Юракнинг кетгай-да доғи,
Навбатни онг Чамбил беги,
Беклар, аллаёр-аллаёр!

Ортмагай-да жабри жафо,
Бўлсин бунда завқи сафо,
Косани онг, Юнус опа,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ўзим келувдим макондан,
Сайил қилдим гулистондан,
Косани онг Мисқолжондан,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Мисқол косани узатди,
Билсанг бу дам ғаниматди,
Олинглар, майнинг навбати,
Авж қинг, аллаёр-аллаёр!

Қиз чиқади исмалоққа,
Ҳали, ҳозирга ўзим якка.
Биз кетармиз Эрам боққа,
Қолдинг, аллаёр-аллаёр!

Ширин жонимни сотарман,
Неча тоғлардан ўтарман,
Эрам боғига кетарман,
Жонлар, аллаёр-аллаёр!

Юракнинг йўқдир ғубори,
Кўрганнинг кетар мадори,
Косани ол, Чеҳра пари,
Олинг, аллаёр-аллаёр!

Косани олинг кўлимдан,
Ол косани, Зайдин пари,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Қарвон тиркар норча лўкни,
Сайил қилсак Эрам боғни,
Бу кундан кай кўрмоқ йўқди,
Қолдинг, аллаёр-аллаёр!

Тез келармиз тоғи бунда,
Азор берманглар меҳмонга,
Гуй тортади гангир ғозлар,
Навбат, аллаёр-аллаёр!

Келар энди баҳор, ёзлар,
Косани онг, сулув қизлар,
Қизлар, аллаёр-аллаёр!

Юрагимда йўқди кеклар,
Будирайди кўп чарвоғлар,
Асли бўлманг бедимоғлар,
Майни ичинг келинчаклар,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Оқшомликка куёвингни
Қучинг, аллаёр-аллаёр!
Оқшомликка куёв қучинг,
Банот, адрас тўнни бичинг,
Одам ғанимат, ол косани,
Ичинг, аллаёр-аллаёр!

Ана энди бир тун, сози сўз билан бир минутча бўлмай,
тонг отди. Ана Гулнор пари кун ёйила, кун ёйила чошкада
жавоб тилаб, ой Юнусга қараб, Гўрўғлибекка қараб, бир
сўз айтаверди.

Мең бормасам энам хафа бўлади,
Отам элатман маслаҳат қилади.
Кўп меҳмон бўлдик шаҳри Чамбилга,
Энди Ҳиндистонга кетсак бўлади.

Жавоб олмай кетсак, энди ҳаммамиз,
Уй эгасига гаранг кеп қолади.
Юнус опа, энди беринг маслаҳат,
Ҳиндистонга кетсак яхши бўлади!

Меҳмон деган ётаверса бир жойда,
Борган ҳовли бесаранжом бўлади.
Жавоб беринг, Юнус опа, бизларга,
Кетганимиз кўп яхшироқ бўлади!

Энамизнинг юраклари дард бўлар,
Бир неча қўрқоқди, биров мард бўлар.

Жавоб беринг, Ҳиндистонга борайин,
Энамизнинг икки кўзи тўрт бўлар.

Етаверса бир ватанда шу меҳмон,
Уй эгаси чарчаб гаранг бўп қолар.
Энди жавоб тегсин элга кетамиз,
«Қутли бўлсин» қилдик. Чамбил шаҳрига.
Савдогар кетади Машҳад, Мориға.
Рози бўлинг энди бизар қайтайиқ,
Жавоб беринг, ой Гулнор парига,

Ҳамма бўлсин, энди бизардан ҳуррам,
[Эрам боғдан] келиб эди [Мисқол],
Жавоб беринг, биз элатга кетамиз,
Рози бўлинг, [Гулноржондан] опаюн,
Сарғаймасин ҳеч одамзоднинг юзи,
Худое ўйилсин душманнинг кўзи!

Энди хайр деб Юнус пари Гўрўғлибекка қараб, Гўрўғ-
либек ой Юнусга қараб, кўзгинаси жовдираб, ҳисоб йитди,
қулоқ жиққа битди. «Бир нарса беринг меҳмонга» деб,
Юнус пари Гўрўғлибекка бир сўз айтаверди:

Гулнор билан Мисқол пари келганди.
Қаъда қойим нарса олиб келганди.
Кетарига нима лозим бўлади?
Бирор нарса лозим бўлиб қолганди,
Подшоҳим, Юнусга беринг маслаҳат!

Аёл халқи уйдан қуруқ кетмайди,
Нима лозим меҳмонларга, тақсиржон?
Вақти хуш бўлса тез-тез келади,
Мулла қизлар кўп гапларни билади.
Калтачаман, яхши рўмоллар берсак,
Бир ойга қолмайин тез-тез келади.

Юрган жойи Лангар тоғда дашт бўлсин,
Сиз подшосиз от қолгудай иш бўлсин!
Яхши мунчоқ, яхши рўмоллар олса,
Аёл деган кийимига қувонади.

Меҳмонларнинг жуда вақти хуш бўлсин,
Ҳеч индаманг шу сафар меҳмон кетсин!

Ақлини шу меҳмонлар урлатсин,
Хушвақт бўлиб кетса тез-тез келади,
Ҳеч сирни билдирманг, уят бўлади!

Гўрўглибек қўлини имлаб, уйга киргизиб, Юнусга қараб бир сўз айтаверди:

Эшитгин, ой Юнус, ўзимдан зорни,
Елғон дунё, моли давлат бекорди.
Қаддингдан кетайин, бойбичча Юнус,
Нима десанг беравер, ҳар на борни!

Қойил бўлсин ҳамма хотин ишинга,
Ҳеч ишим йўқ сенинг вақти хушинга.
Гавҳар таққан қасаваларни бергин.
Қасавалар қўндириб қўй бошига!
Кетар бўлса, рози бўлсин, ой Юнус,
Чиқариб жўнатгин Чамбил дашига!

Тилла, гавҳар бериб меҳмон жўнатгин,
Жуда-буда вақтларин хуш этгин!
Қаддингдан, кетайин Юнус паризот,
Вақтин хуш қип меҳмонларни жўнатгин!
Либос, пўстак меҳмонларга ташлагин,
Хитойи товоққа овқат чошлагин!
Сен жўнатар бўлсанг келган меҳмонни,
Ҳар ранг кийим бериб каниз ўзига,
Бежойгина кетса, вақтин хушлагин!

Эмаса, қаддингдан, жонингни сотгин,
Вақтларин бежойин кўп хуш этгин!
Сен чиқариб Чамбил элнинг даштига,
Эсон-омон меҳмонларни жўнатгин!
Нима деса, ўзи дегудай бўлсин,
Жуда хушвақт бўлиб кетсин Чамбилдан,
Ҳиндистондан дарров келгудай бўлсин!

Хушвақт бўп ой Юнус чопқиллаб кетди,
Меҳмоннинг олдига югуриб етди.
Қайтинглар, деб ияртириб ой Юнус,
Бошқаватдан олиб уйига етди.

Бежой, меҳмонларнинг вақтин хушлади,
Қошин қоқиб, лабларини тишлади.

Аркон давлат Чамбилда бежой кўп деб,
Шифирлатиб опкеп кийим ташлади.

Чамбил элнинг хотин-қизин йиғдирди,
Бўқча-бўқча кийим опкеп ой Юнус,
Урталиққа томдай уйиб ташлади.
Томошалар айлаб Юнус ишига!
Гавҳар таққан қасабани опкелиб,
Шундай қўйди Гулноржоннинг бошига.
Яхши ўсмаларни қўйди қошига,
Садаф, ҳақиқ тақди қордай тўшига.
Сурмаларни кўзга қўйиб ой Юнус,
Тишқолини қўйди оппоқ тишига.

Тилла косаларга майлар қўйдирди,
Меҳмон кетар деб добили туйдирди.
Мисқол билан Гулнор деган парига,
Яхши тилак, Кўйи қофдан опкелган,
Хўп муносиб яхши кийим кийдирди.

Меҳмонларнинг чўртта кўнглин тўлдирди,
Дунёликдан кўнгилларин тўлдирди.
Нима деса энди қилғудай бўлди.
Кўзлари сузилиб, ичдан қувониб,
Тағин қайтиб Чамбил келгудай бўлди.

Карнай-сурнай тортиб, ноғора қўйиб,
Чамбилнинг элидан кўп одам йиғиб,
Эсон-омон кетсин меҳмонлар, деди;
Беш тош йўлгача қоровул қўйди.

Карнай-сурнай Чамбилни бўлкуллатди.
Ой Зайдинман энди Гулчехра пари,
Қўлтиғидан суяб Гулноржонни,
Мисқолжонни суяб ўнг қўлтиғидан,
Бардор-бардор қилиб келган меҳмонни,
Танга-тилла сочиб шундай бошидан,
Юнус пари ҳеч кетмайди қошидан.
Дарвозадан ойимларни чиқариб,
Гувалакдай айланади бошидан.
Зиёфатдан, сарпайдан ҳеч кам қолмади;
Рози бўлди Юнусжоннинг ишидан.
Чамбил элни кўп одам босиб кетди,

Шодиёна қўйиб кўп шодмон этди.
Иззат, ҳурмат қилиб Юнус паризот,
Кийимдан чўртта кўнглини тўлдиряб,
Ҳиндистонга Гулноржонни жўнатди.
Эрам боққа Мисқолжон қанот бойлаб,
Гулнор пари қанот бойлаб, париллаб,
Осмонга давра олиб¹ кетди.

Ҳамма одам бу қандай сир дейишиб,
Ҳайрон бўлиб, ҳамма одамлар қайтди.
Уй-уйига бу гап қандай бўлди деб,
Авлиё экан, келган меҳмон деб,
Ҳамма одам уйига келиб ётди.
Кўрган одам бари ҳайрон бўп кетди.
Юнусжон Гўрўғли олдиға етди.
Ҳай ттанг, деб Гўрўғлибек хафа бўп,
Майиб нордай чўкиб, ҳужрада ётди.
Жуда-буда яхши кўриб Мисқолни
Гўрўғли беҳуш бўп ўзидан кетди.

Ихлос уриб, ҳар паридан тер кетиб,
Кўрганларнинг юрагидан чер кетиб,
Париллаб учади ҳар бир осмонда,
Мисқол билан Гулнор Ҳиндистон кетди.
Қаршидан ўтди-да, Лангарга етди.

Рўпарой бирчакка қарашиб кетди.
Афғоннинг устига жон сотиб етди.
Ҳар паридан чакиллаб, тер тўкилиб,
Ҳиндистонга қараб Гулноржон кетди.
Бежойин кўп вақтларин хушлади,
Ойимларнинг кўнгалларин жўшлади.
Тағи уч кун оралиқдан ўтганда,
Яқинлашиб Ҳиндистоннинг шаҳрига,
Той ҳиндининг бориб гулшан боғига,
Гулдай яшнаб Гулнор, Мисқол ташлади.
Гавҳар супанинг устига чиқиб,
Бежойин кўп вақтларин хушлади.

Ўтириш косаси, ичар навбатди,
Ой Юнусман қилиб келди суҳбатни.

¹ Қўлёзмада «давролиб».

Гулнор пари, Мисқол пари келди деб,
Гулранг ойим қиз келганин эшитди.
Хушвақт бўлиб юраклари ёрилиб,
Аста-аста чопиб Гулнорга қайтди.
Юра-юра кўп соғинган қизини,
Болам деб яқинлаб, олдига етди.
Кўп соғиниб қолган бу энасини,
Энам деб, Гулноржон олдига етди.
Томоша айланг ой Гулнорнинг ишига,
Мисқол пари чопиб борди қошига.
Болам деб қулочин ёзиб Гулрангжон,
Нега кеч қолдинг чироққинам деб,
Болам деб, қучоқлаб олди тўшига.

Шунда қараса, Мисқолман Гулнорнинг ҳаёли бошқача бўпти. Юрищ-туришлари қашқача бўпти. Юнуснинг берган анжом-асбобларини кўриб, аччиғи келиб, ана Гулранг пари бир сўз айтаётгани:

Билмаганинг билдирайин, билмасанг,
Садаға, муродга етгин ўлмасанг!
Бир сўзим бор, айтай энди, Мисқолжон,
Икковинг кўнглингга оғир олмасанг.

Бир шаҳарга бориб сарпой кийдингми?
Шу шаҳардан бориб одам йиғдингми?
Уришмасанг сенга айтай, чироғим,
Икковгинанг бир одамга тегдингми?

Эрга теккандайин кийим кийибсан,
Ҳақиқ мунчоқ бўйнингга осибсан,
Билдим, бировнинг кўкайин кесибсан.
Талтаясан икковгинанг ер ютгур,
Оёғингни онда-сонда босибсан!

Мен билувда соч боғингни туйибсан,
Яхши косаларга шарбат қуйибсан;
Умганинг, кўтариб, оёғинг босиб,
Кўнглинг ҳаво қип бировга тегибсан.

Мен билмайман, на ерларда ётибсан,
Энасиздай сен сандираб кетибсан.
Йиғувсиз шарманда ўла қол,
Билдим, бировнинг қўйнида ётибсан.

Ростин айтгин, ўзинг кимни олибсан?
Эрга тегиб бир балога қолибсан.
Бировнинг қўли кўнгилни ўстирар,
Жимийишиб, талтайишиб келибсан.

На тоғларда, қайси чўлдан ўтибсан,
Бўлкиллаб кимнинг қўйнида ётибсан?
Биров чангаллаб қўйганди безингни,
Бетларинг чуйканиб сенинг кетибди.

Мучилабди сенинг ойдаи юзингни,
Отасиз, онасиз бўлиб юргунча,
Ўлдираман ер ютгурлар ўзингни!
Сўйиб ташлай сендай чанғи қизимни!

Тоза чопиб ташлай сенинг ўзингни!
Томоша айланг Гулранг пари тилига,
Булбул ошно бўлар боғнинг гулига.
Ўлдираман, деди бу аччиғланиб,
Чирқиллатиб қайчи олди қўлига.

Томоша айланг Гулранг пари ўйига,
Яхши қизнинг ҳамма келар тўйига.
Эшикларни қулфлаб қўйиб бу Гулранг,
Қамаб қўйди ҳаммасини уйига.

Йўлингни, ўлгирлар, тўсаман деди.
Шундай қайчини олиб қўлига,
Бурун-қулогингни кесаман деди.

Ана энди Гулнор пари энасидан қўрқиб, «бурун-қулогимизни кесса, айбдор бўлиб қоламиз» деб, Мисқол парига лабини тишлаб, Гулранг пари энасига қараб, бир сўз айтаверди:

Вой энажон, ўзим маст бўп кетувдим,
Эрамнинг боғига ўзим етувдим.
Унинг учун жанжал қилманг, энажон.
Эрам боғда сайил қилиб ётувдим.

Кир кийимни ювиб, зулфинг тарагин,
Яхши кўзман мендай қизга қарагин!
Санам чорвоғига бориб ётувдик,
Ишонмасанг, ой Мисқолдан сўрагин!

Ҳамиша ҳам неча тоғдан ўтардик,
Тортқилашиб, ҳазиллашиб ётардик,
Ишонмасанг, Мисқолжондан сўрагин,
Хаёллашиб кўп кун юриб кетардик!

Бундай демас эдинг эна бизларга,
Ўн беш кунлаб, ўн уч кунлаб кетардик,
Ишонмасанг, Мисқолойдан сўрагин,
Ҳамиша ҳам кўп хаёллаб кетардик!

Чакки-чукки гапни менга айтасан,
Сен тентак бўлдингми, нега уйтасан?
Энажоним, жинни-пинни бўлдингми?
Нега менга сафсата гап айтасан?

Бир неча одамлар, «э ҳақ» демасми?
Қишнинг гамин ёзинг кунни эмасми?
Сандирайсан-мандирайсан энажон,
Айтган гапинг, эна, уят эмасми?

Бу гапингни дўсти-душман билмайми?
Қариндошнинг кўп аччиғи келмайми?
Отам эшитса айтган гапингни,
Келиб туриб, алва-далва қилмайми?

Зиён-пиён эгасизни урдими?
Халқ эшитса, бу иш уят бўлмайми?
Ўғайчиликдайин сен сандирадинг,
Бу ишгинанг элга номус бўлмайми?
Ҳар тарафга гап овоза бўп кетиб,
Номусгинам, элга, эна, келмайми?
Ишонмасанг ой Мисқолдан сўрагин!

Мисқол пари Гулранг парига қараб бир сўз айтаверди:

Бундай десанг кўнглим қолиб кетмайми?
Юнус пари Эрам боққа етмайми?
Энаси қизига шундай деди деб,
Мана қизлар бир кишига айтмайми?

Айтиб туриб, ҳангама қип кулмайми?
Бу ишингиз элга ошкора бўлмайми?
Эрам боғи, Ҳиндистон эл билмайми?
Элга юзинг чирковли бўп қолмайми?

Мени десанг бу гапни бежой айтдинг,
Гулнор қизинг сондан чиқиб келмайми?
Бундай десанг араз уриб кетаман,
Қизгинангнинг мен бетига қарамай,
Қайтай ўзим дарров уйга қайтаман.
Ўзимизман барабар кўриб эдик,
Чўртта ватанингга келмай кетаман.

Ана энди қизлар ҳаммаси йиғилишиб, қовоғи уюлиб, хафа бўлди бечоралар. Биров-бировига қараб, билди-билди деди. Ана энди айтган гапига уялиб [қолди], Гулранг пари. Аста шу оқшом ҳангама қилишиб ётди. Ана энди ярим кечага етди. Гулранг пари уйига кетди. Уй овлоқ бўлди. Кун ярим кечага яқинлаб қолди. Мисқол билан Гулнор пари қилди маслаҳатни. «Ваъда, шу ваъда» деб, хайт деб Мисқол пари канизлари билан Эрам боғига давра олиб учиб кетди. Бориб ўзининг Эрам боғдаги нақшли иморатларига тушди. Шу, одамнинг иси Эрамнинг боғини тутиб кетди. Ана энди шу кўргуликда тонг отди.

Мисқолнинг энасики Хоним пари дерди. Ана энди, бу аҳволотлар Хоним ойимга етди.

«Вой-вой Мисқолнинг баданини... одамнинг иси тутиб кетибди» деди. Бу гапни Хоним пари эшитди. Шу, ғайрат қилиб, Мисқолнинг олдига етди. Аччиғлаиб, Мисқолнинг олдига келиб, бир сўз айтаверди:

Юрак-бағрим бўлиб кетди тўла қон,
Қиз бўй етса донги кетар бегумон.
Биласанми қиладиган ишингни,
Илоё нозинг қурсин, Мисқолжон!

Ростин айтгин ўзинг кимман ётибсан?
Душман туширдингми менинг изима?
Ўл-ўлгунча таъна қилдинг юзима.
Текканлигинг сенинг уят эмасми?
Борган шаҳарингни айтгин ўзима!
Ўла қолгур, ўзинг бундан кетибсан,
Қизлар билан базм чақ-чақ этибсан.
Кўзгинанг бўзармай ўлгур, ой Мисқол,
Ростин айтсам, сен бировман ётибсан?!
Борган шаҳарингни айтгин шарманда!
Қилиб кетдинг мени бевақт армонда;
Кимга тегдинг, ростини айтгин, Мисқолжон?

Эшитайин сен ер юткур тилингни!
Сўлдириб боғларда тоза гулингни,
Илоё яшамай ўлгин, ой Мисқол,
Менга айтгин бориб келган элингни!
Ростин айтгин, кимга тегдинг, Мисқолжон!?

Ёмон кўрдим сенинг бу келишингни.
Илоё дингиллаб ўлгур, Мисқолжон,
Мен кесиб қўярман тандан бошингни!

Қўп аломат сир бўп қолди ўзима,
Еруғ дунё қоп-қорадир кўзима.
Баданинг сасиб, бўнгкиб кетибди,
Теккан одамингни айтгин. ўзима!

Менга айтгин бориб келган элингни!
Кесиб олай яшамагур тилингни!
Обруйингни тўкиб кепсан шарманда,
Менга айтгин бориб келган элингни!
Илоё ҳангаллаб ўлгин, ой Мисқол!
Худое дунгалаб ўлгин, ой Мисқол!
Тоғлардан юмалаб ўлгин, ой Мисқол!
Борган шаҳарингни айтгин, ростини!

Ана энди ой Мисқол, «бу ҳамма гапни билади, обруйим
тўкилиб қолади. Энди бунга ростини айтай» деди. Энди
Мисқолдан эшитинг рост гапни:

Эна тўғри гапни сизга айтайин,
Аччиглансанг ватанингдан қайтайин.
Агар ноним ботган бўлса, энажон,
Рози бўлгин эса бундан кетайин!
Ватанима мен вақтли етайин!

Эна эсинг кетган бўлса,
Неча тоғдан ўтган бўлса,
Агар ноним ботган бўлса,
Рози бўл, эна, кетайин!

Овқатимни биров берар,
Бир одам асбатлаб кўрар.
Эна, малол келган бўлса,
Жавоб бер эса кетайин!

Чакки-чукки сандирайсан,
Эна нега мандирайсан?

Рози бўнглар эса биздан,
Кўнглим тўлди эса сиздан.
Безор бўлсанг биздай қиздан,
Жавоб бер, энди кетайин!

Ширин жонларни сотайин,
Неча дарёдан ўтайин.
Агар тузим ботган бўлса,
Ватангинангдан кетайин!

Бир нечалар қотган бўлса,
Зардоб, заҳм ютган бўлса,
Кетайин, эна, уйингдан,
Кийим, рўмол ботган бўлса!

Бир одам қовоғин туяр,
Сўзгинам ҳар кимга ёқар,
Юрганлигим малол келса,
Ўзи учун биров боқар.

Бундан ўзим кетган эдим,
Ҳиндистонга етган эдим.
Ҳиндистонда кўплар юриб,
Афғонистоннинг устиман,
Чамбилбелга кетган эдим.

Жаҳонни қидириб юрдим,
Чамбилбелда уч кун турдим.
Туркман элнинг подшосига,
Гулнор билан икковимиз,
Уч кунгина меҳмон бўлдик.

Ой Юнусдай подшомизни,
Унинг эрга текканини,
Бориб қутли бўлсин қилдиқ.
Қизлар билан, одам билан,
Уч кеча-уч кундуз турдик.

Одамзот ҳам яхши экан,
Меҳмон бўлиб туз еб келдик.

Эна уришма ўзимни,
Одамзотман бизар бориб,

Бежой ҳангомалар қилиб,
Яхши чақ-чақ мажлис қилиб,
Катта одам бўлиб келдик.

Юзи гулнинг нақши экан,
Ўзи элнинг раҳши экан.
Кўриб келдик Чамбил элни,
Соқибулбул созни чертди,
Ҳаммамизни мақтаб айтди,
Бежой шоир бахши экан.

Қозоқнинг оти оқтади,
Уста куйдирган сўқтади.
Соқибулбул ҳаммамизни,
Шоирлик қилиб мақтади.

Чамбил ҳам яхши жой экан,
Ўзи [сап], эли бой экан,
Ичгани сари мой экан.
Одам миясин тўлдирган,
Ичгани кўкмак чой экан.
Чамбилбелда бежой турдик;
Уйлари кигиз уй экан.

Тутгани қамиш, чий экан.
Қўйи семиз, ҳўкизи кўп,
Сатта туяли жой экан.
Ҳаммаси зиёфат қилди,
Бариси хирсдай бой экан.

Ҳангама қип, ўйи йўқди,
Қий билан чалмани ёқди.
Топганин ўртага тўқди.
Бари хотамтой бой экан.

Ўзи ўзбек, кўнгли яхши,
Пиширгани тузқоқи гўшт
Егани кулчатой экан.

Меҳмон бўлдик, эна, бизлар,
Жаҳонгашта сўзни сўзлар;
Хизмат қилди сулув қизлар.

Чамбилбел яши жой экан.
Айтаверсам соп бўлмайди,
Чамбил ҳузурли жой экан.
Кулча қип бордик нон билан,
Той ҳиндининг эрка қизи,
Бордик Гулноржон билан.
Ортмади жабру жафомиз,
Бўлгай элатга вафомиз.
Гавҳар қасабалар қўйди,
Мунчоқ тақиб, желаклар кийгизди,
Чамбилада Юнус опамиз.

Чамбил элда уч кун ўтди,
Меҳмон деб қилди иззатни.
Жўнаймиз, дедик, энажон,
Карнай-сурнайларни тортди.
Уч тош йўлга олиб чиқиб узатди.
Хуш келдинг деб Юнус опам.
Бизларни бунда жўнатди.

Балли, эсли одам экан,
Мисқолинг Чамбилни кўрган,
Одам иси ўрнаб қолган.
Уришмагин, эна, бизни,
Мисқол катта одам бўлган.
Келаман деб ой Зайдинга,
Мисқол ваъда қилиб келган.
Гулчеҳра билан дўст бўлиб,
Ал ваъдайндайин қилиб,
Шуйтиб, ваъдалашиб келган.
Жеркима, уришма бизни,
Мисқол сонга ўтиб қолган.
Одамнинг иси урганди,
Келаман деб Чамбил элга,
Ростин айтсам, мендай қизинг,
Ой Юнусга чўри бўлган.
Мен меҳмонман уйгинангга,
Ой Мисқол талтайиб қолган.

Ана энди Хоним пари:

— Қувраб ўл, қақшаб ўл,— деди. Шуйтиб, аччиғланиб кетди. Ана аста-аста қовоғи уйилиб, зумраддан бўлган уйда ўтирди. Жуда хафа бўлди, суягимиз булғанди деб,

Аҳмат пари ҳазиллашай деб уйига келди. Келса, хотинининг сўскинма-сўскини қуйилиб кетиб ўтирибди. Хафа бўлиб Аҳмат пари бир сўз айтаверди:

Сумбул зулфгинангни нега силайсан,
Хафа бўлдинг менда дармон қолмади.
Нимага севдигим бўзлаб йиғлайсан?¹
Адашдингми айтадиган сўзингдан?
Бул танам айлансин сенинг ўзингдан!
Сен йиғладинг, менда дармон қолмади,
Йиғлама, айланай жоду кўзингдан!

Хизматингда «тақсир»лайди бир неча,
Ошиқнинг юргани қоронғи кеча;
Мисқолжоним Эрам боққа бойбичча,
Сен йиғладинг мени ҳалакат кетди.
Йиғлаганинг маънисин айт, бойбичча!

Қаҳрабодай ғамлар босиб юзингни,
Салтанатли Мисқол дейди қизингни.
Ҳеч нимадан камлигинг йўқ ўзингни[нг],
Сен йиғладинг, танда дармон қолмади,
Қаддингдан, ким хафа қилди ўзингни!
Камлигингни менга айтгин, қаддингдан!

Емабмидинг илгаридан ғамингни,
Қайтарибсан ҳам раъйингни, дамингни.
Хафалигинг менга айтгин сўзингдан,
Айтгин бойбичча менга камингни!

Аччиғлансанг шақирлатдинг тошингни,
Оллоғим ўнгаргай қилган ишингни!
Хафа бўлдинг, менинг кўнглим бўлинди,
Сабаб нима, оқизибсан ёшингни?

Ана энди «дод» деб, Хоним пари эрига қараб бир сўз айтаверди:

Қизи қурсин, бўй етгани кўп қийин,
Сўрасанг юрагим бўп кетди тугун.
Мисқолжондан кўнглим қолди қадрдон,
Бўп қолар Эрамнинг боғида ўйин.

¹ Кўлөзмада «жилайсан».

Қуврагуринг кўп масиқиб кетибди,
Кичик дейсан, ўзи кўп бўй етибди.
Билмай қопмиз, бул бойбичча Мисқолни,
Канизман Ҳиндистонга етибди.
Тор сийнамда аламим кўп, сўрмагин.
Яшамагур кўнгли ўсиб кетибди!

Қулоқ солгин мендай ёринг тилига,
Куйиб келдим бойбиччангнинг ҳилига.
Хафа бўлмай мен қайтайин, улағай,¹
Гулнор пари билан Юнус опасин,
Қутлуғлаб борибди Чамбил элига.
Бемаза сўзлардан айтди, қуврагур,
Меҳмон бўпти бориб туркман элига.

Чамбил элда бориб уч кун турибди,
Бир одамга бежой кўнгил берибди.
Шу одамман ўзи анча турибди.
Мен сенга ростин айтсам, улағай
Мисқолинг ҳам одамли бўп қолибди.
Билмай қопмиз, ўзи бориб изланиб,
Бир одамман ваъдалашиб келибди.

Хафалигим шунинг учун вой-вой.
Бир жеркисак чўп-чўп ўлгир кетармиш,
Чамбилнинг элига қистаб етармиш.
Гардонин кўтариб, кўнгли ўсибди,
Шу бойбиччанг Чамбилбелга кетармиш.
Мисқол этагига бошин солибди,
Сахий экан кўп зиёфат қилибди.

Ер торткурнинг бежой ақлин олибди.
Чамбилни гапириб бошин ирғайди,
Шу одамдан чўртта кўнгли тўлибди.
Нима бўлса ер юткуринг бўлибди.
Пўлавой, шўлавой билдим қилибди.
Мен йиғламай, ким йиғласин вой-вой,
Сўрамай Мисқолинг уйли бўлибди.

Хўкизиман сигирларин мақтайди,
Уйи-жойин бориб, кўриб келибди.

¹ Ула қолгур.

Умри калта одамзотни суйибди;
Мисқол қурсин чўртта эрдан куйибди.
Ёлғиз қизди, хафа бўлмай қайтайин,
Чўртта Мисқол қизилига тегибди.
Гавҳар қасабалар қўйиб бошига,
Мунчоқ тақиб адрас желак кийибди.
Одамларин, овқатларин мақтайди,
Мисқол қурсин, чўртта эрга тегибди.
Одамзотнинг иси ўрнаб баданига,
Шуйтибгина безрайиб келибди.
Мисқолнинг кўнгли бошқа бўлибди.
Мен қарғасам, лабин тишлаб кулади,
Узи мулла, ҳамма гапни билади.
Мен тунгилдим ер ютгурдан вой-вой,
Хушвақт бўлиб мени мазақ қилади.

Мисқолнинг отаси айтди:

— Билмасмидинг? Полминакни опкел бу ёққа! Мен бир кўрай,— деди. Аста полминакка қаради, Аҳмад пари. Ана шуйтиб кўриб, бир сўз айтаверди хотинига:

Нони-насва тортган экан.
Элни обод этган экан,
Мен кўрганимни айтсам,
Хизр Илёс тақдирини,
Гўрўғлига битган экан.
Хафа бўлманг кўзгинангдан,
Бу иш асли бошдан бўлиб,
Қизинг Чамбил кетган экан.

Давлат вали ёшдан бўпти,
Пешонаси тошдан бўпти.
Йиғламагин, хафа бўлмагин,
Бу қисматлар бошдан бўпти.
Тақдир асли кетган экан.

Мисқол билан Юнус бирди,
Гоҳи нишаб, гоҳ ер урди.
Гўрўғли қидириб юриб,
Ҳаж қилиб Миср ўтганда,
Афсар тоғига етганда,
Гўрўғли тойин ахтариб,

Қизингни кўрган эканди.
Кўп гаплашиб шу чарвоқда,
Мастлик қилиб Юнус, Мисқол,
Мазақ қип кулган эканди.
Гўрўғлибек етим той деб,
Кўп изза бўлган эканди.
Айтмай ҳеч кимга ўйини,
Афсар тоғдан топиб олди,
Гўрўғли етим тойини.
Хизр отаман талашиб,
Отни топиб, ақли шошиб,
Қирқ чилтон ғорига тушиб,
Қирқ чилтонман бахт, давлатман,
Сухбатлар қилган эканди.

Антахур майини қуйган,
Гўрўғли сарполар кийган.
Юнус билан Мисқолжоннинг,
Қирқ чилтон никоҳин қийган;
Тўй аввал бўлган эканди.
Бир оллойим амр қилиб,
Тоғ ковлаган темир қилиб,
Бойбиччалар хамир қилиб,
Йиғлама, қаддингдан ёрим,
Мисқолинг тайёр эканди.

Никоҳ бўлган асли бошдан,
Ғиркўк ўтар туйғун қушдан;
Битувчилар битган бошдан.
Эл Хизр тўйлар қилиб,
Мисқолни берган эканди.
Хафа бўлманг севдик ёрим,
Мисқолинг кўрган эканди.
Бунга асти хафа бўлма,
Қирқ чилтон берган эканди.

Бор Чамбилга дейиб айтгин,
Сен ўйнаб-кулиб узатгин!
Қизингга таъна бўлмасин,
Хушвақт қип уйдан жўнатгин!
Душга маст бўп кетмасин,
Келиб-келиб тур деб, айтгин!
Кўнгилларини жўширгин,

Чопиб ўпкангни пиширгин!
Қиз деганинг омонатди,
Қайин юртига топширгин!

Сен сўкибсан, кулиб айтгин,
Муродинга ёрим етгин!
Ўйнаб-кулиб ой Мисқолни,
Чамбил шаҳрига узатгин!
Индамайгина жўнатгин,
Энди бориб, ўйнаб-кулиб!
Меҳмонди Мисқол уйинга,
Йиғиб Эрам боғдан пари,
Биров ёшди, биров қари,
Сиёсатди жон бошда тўғри,
Гўрўғли Чамбилнинг ўри,
Балки Ўзбекистон зўри,
Ўзи Чамбилнинг тождори.
Хушвақт қилиб олиб борсин,
Қаватида юзча пари!
Эўликман Гулноржон борар,
Қойил бўлсин Мисқолжонга,
Чамбилбелининг сардори!
Айтган гапим айб эмас,
Чамбил кетсин Мисқол пари!

Шуйтиб, парининг аччиғи тарқаб кетди. Ана Мисқолнинг олдига етди. Ҳам Эрамнинг боғига — париларга хабар қўйди. Оқ кийган, қизил кийган, кўк кийган, сариқ кийган, яшил кийган, заъфарондай кийим кийган бир пари йиғин бўлди, офтоб тутилай деб қолди; худди ҳар ранг гул очилгандай бўлиб кетди. Бир чапак чалиб, ўйин қилиб, яшнашди [қизлар]. Ана энди Мисқолни энаси ювинтириб, тарантириб Чамбилга узатаверди:

Чамбилбелга бориб, маст бўп кетмагин,
Тагин-а, кўнглингдан сен унутмагин!
Ҳар жойда бўлгин сен эсон-омон,
Тагин-а, уйима келмай кетмагин!

Эрка қизсан, эсгинамни шоширдинг,
Азлардайин оёғинга бош урдим.

Ҳар жойда бўлсанг манглайли бўлгин,
Омонат ўзингни хаққа топширдим!

Сенсан менинг бу дунёда қувватим,
Давлатим қайтмасин, бўлар иззатим.
Аввал худо, комил пирга топширдим,
Жонинг сиҳат бўлсин, жоним фарзандим!
Дуо қилдим эшит энангдан додни,
Пари бўлсин сендай жоннинг улфати,
Олло берсин сенга қобил фарзандни,
Манглайингни худо очсин, Мисқолжон!

Ўзинг эдинг Эрам боққа бойбичча,
Бу ишқингда ўртанганди бир неча.
Болали-чақали бўлгин, Мисқолжон,
Чамбил элга бориб бўлгин бойбичча!

Узоқ йўлни сен тўркулаб келгайсан,
Иншоолло, катта одам бўлгайсан.
Худо берсин сенга ўғилман қизни,
Ҳар бир йилда тўрт-беш келиб тургайсан!

Ўз тенгингдан зиёд бўлгин, ой Мисқол!
Бориб Чамбил элда манглайли бўлиб,
Ул¹ фарзандман қиз фарзандни суйгайсан,
Дунёнинг меҳрига ўзинг тўйгайсан!

Одамзотман ошно билишлар бўлиб,
Халойиқ ҳолидан хабарла олиб,
Салтанат қип, Эрам боғига келиб,
Ҳоли аҳволимдан хабар олгайсан!
Болали-чақали бўлгин, Мисқолжон,
Тез-тезгина бунда қайтиб келгайсан!

Келгунигча мен бўларман интизор,
Танинг сиҳат бўлсин сенинг ҳар жойда,
Болали-чақали бўлгин, фарзандим!
Худога топширдим, оллоҳу акбар.

Ҳар жойда жонимни қиларман қурбон,
Бир фасл меҳмонсан менга, Мисқолжон.
Эрам боғдан пари битган йнғилиб,

¹ Уғил.

Ҳаммасининг қовоқлари уйилиб,
Фарзанд деган ширин экан дунёда,
Кетар бўлди Мисқол Чамбил элига;
Ота-энасин¹ сўскуллари қуйилиб,
Ҳамма пари ҳурдай бўлиб эгилиб,
Эрам боғдан сонсиз пари йиғилиб,
Гулдай бўлиб бари омин дейишади,
Энасининг ақллари шошади.
Бир нечаси йиғлаб, бирови кулиб,
Гулдай яшнаб омин-омин дейишади.

Қиз деганинг отсанг палахмон тоши,
Қизи тушсин бир йигитнинг йўлдоши.
Тақдир тортган ёққа кетар эканди,
Қизи тушсин бир йигитнинг йўлдоши.

Кетар бўлди Мисқол Чамбил шаҳрига,
Дод деб энасин тўкилиб ёши,
Омин деди дуо қилиб сирдоши.
Борамиз деб теваракда кўп киши,
Булкуллайди Эрам боғининг дашти.
Қиёматдай мард йигитнинг савашини.
Чамбил элга кетар бўлди ой Мисқол,
Фалакка ўрнади пари товуши.
Мисқолжоннинг билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб тилла тахтга миндирди.
Қирқ парини Қашқа девга кўтартиб,
Мисқолжонни Душан девга кўтартиб,
Парилар фотиҳа бетига тортди.
Тани сиҳатлик билсанг ғаниматди.
Бахт топгин сен болали бўлгин деб,
Ой Мисқолни Чамбилбелга узатди.
Душан дев кўтариб, парвоз қип кетди.
Қашқа дев кўтариб қирқта парини,
Душаннинг ортидан жилвираб кетди.

Ери-қўкни тутиб унинг савлати,
Дев деган жойилди кўпди ғайрати,
Энаси «болам», деб ўзидан кетди.
Хайт деб Чамбил элига оп қайтди.

¹ Қўлёзмада «отэнасин».

Зулмат тутиб юрган тоғни,
Тулкипуруш қилар овни,
Ёмон одам қилар довни,
Мисқолжон жўнаб Чамбилга,
Миниб олиб Душан девни,
Жўнади қизлар Чамбилга.
Жўнади пари Чамбилга.

Ярқиллайди икки кўзлар,
Ориқнамо, юқа қизлар,
Жўнади энди Чамбилга,
Жўнаб кетди сулув қизлар.
Душан дев Чамбилни кўзлар.
Кўлда бордир қўнғир ғозлар,

Мерганлар какликни тузлар.
Юз туманли борди нозлар.
Қиш ўтган сўнг келар ёзлар.
Девни миниб жўнайверди.
Ғунон қизлар, дўнон қизлар.

Қўшиқ айтиб, кўнгли жўшиб,
Кам юракнинг ақли шошиб,
Ҳар иргийди бу икки дев,
Барқирашиб, тоғдан ошиб.
Суяги ўтдай туташиб,
Дарёлардан учиб ўтиб,
Катта тоғдан ҳатлаб ўтиб,
Жўнади Мисқол Чамбилга;
Жўнади қизлар Чамбилга.

Жонон қизлар, сап бўй етган ғунон қизлар,
Рўмолларни пирпиратиб,
Баданларни букуллатиб,
Ғўшт кўп жойни сўлқиллатиб,
Кўкрагини букуллатиб,
Сап мулла қизлар жўнади;
Эсли тилла қизлар жўнади.

Эрисин тоғларнинг қори,
Кетсин юракнинг занглари.
Ғунон қизлар жўнайверди,
Жўнаб кетди сатта пари.
Ўзи қизларнинг сардори,

Чарчаб, ҳориб, ичи куйиб,
Кўзни сузиб, қовоқ уйиб,
Силдираб қизлар жўнади.

Иргий-иргий дев бўп майиб,
Жўнайверди шу Чамбилга,
Жўнайверди сатта заиф.
Улардан тополмас айиб.
Кўрганларнинг ичи куйиб,
Сап тойча қизлар жўнади.

Душан дев терини қуйиб,
Туя лўклагандай бўлиб,
Кўмир чўқлагандай бўлиб,
Жўнайверди сувсиз даштда,
Гоҳо чўлда, гоҳо тошда
Куюндай учиб жўнади.
Ҳар ҳезлайди деви Қашқа,
Иши бўлди энди бошқа.
Эрта билан жўнаб эди,
Кун бўлибди янги чошка.
Эр йигит кирар савашга,
Ёмон савдо кирар тушга.
Жўнайверди ҳар париллаб,
Келаётир сувсиз даштда.

Ҳар жойни тутиб ҳайъати,
Йўқди танади уяти.
Сап қизларни силкилатди,
Томоғини булкуллатди,
Тоғ ичида юганда,
Баданлари терлаб қолиб,
Қимматбаҳо кийимлари,
Баданга тармашиб кетди.
Гўнон қизлар, дўнон қизлар,
Қайин юртга борамиз, деб,
Ҳайбат, ҳашам тутиб кетди.
Балонинг тоғидан ўтди,
Чамбилга яқинлаб етди.

Танда жони ҳурқариди,
Қашқа дев Чопсондан кўрқариди.
Ширвон элди арабиди,
Кўрқоқ ҳоли ҳаробиди.

Шу Ҳасан чопсон билан,
Шу Душан дев тараф эди.

Ҳасан чопсон дароз эди,
Тожиқларда хўроз эди
Душан девман Ҳасан чопсон,
Бир-биридан араз эди.

Айтса бўлар кўп сўзиди,
Иккови ҳам бежой илдам,
Тулки қувган тези эди.
Шу Қашқа дев шу чопсондан,
Чўртта-пўртта рози эди.

Ой Мисқолга хизмат қилди,
Бу девларнинг дубурига,
От битганлар ҳуркиб қолди.
Чамбилга беш мўйин қолди.
Яшиндай бўп Ҳасан чопсон,
Зиёндайин етиб келди.

Душан дев жонини соғди,
Қашқа дев Чамбилга кетди.
Устидан ташлаб Мисқолни,
Тағи қайтиб изга солди.

Хў баччағар келдингми, деб,
Душан девни меҳмон қилмай,
Гувалак қувган биядай қип,
Сўна чаққан туядай қип.
Қувиб, эндириб шу чопсон,
Дўндириб олдиға солди.
Ҳасан чопсон хомлик қилди;
Душан илгари қутулади.

Ана энди Ҳасан чопсон тушқур бу Душан девни қувиб,
хайт, деб Эрам боғига қараб, бўкиртиб қувиб кетди. Ана
энди тизилишиб иккови кетаверди. Энди Мисқолжоннинг
келганига [суюнчихўр] Гўрўғлибекка суюнчига бориб бир
сўз айтяпти:

Юрагингда черинг келди,
Қатордаги норинг келди.
Гўрўғли, бергин суюнчи,
Мисқолдайин ёринг келди!

Сенинг хушовозинг келди,
Қўйга ияриб¹ қўзинг келди,
Гўрўғли, бергин суюнчи,
Мисқол жоду кўзинг келди!

Сенинг булбул тилинг келди,
Обод Чамбилбелинг келди.
Гўрўғли, бергин суюнчи,
Сенинг ой Мисқолинг келди!

Чилтон никоҳини қийган,
Мисқолдайин ёринг келди.
Тоғда бўрон қоринг келди;
Ҳам давлати боринг келди
Қўйнингда ўйнаб кулгани,
Мисқолдайин паринг келди.

Аркини давлатинг келди,
Шони-шавкатинг келди,
Танангда иззатинг келди,
Белингда қувватинг келди.

Интизор бўп ўзинг қолган,
Келаман деб ваъда қилган,
Ҳақиқатли ёринг келди.
Сап бўй ётган, дўнан қўйдай,
Бадан оппоқ, қоши ёйдай,
Киприги камонинг келди.

Зулфлари сунбулинг келди,
Гўрўғли, бергин суюнчи,
Мисқолдайин паринг келди!
Мисқолдайин сирдошинг келди,

Уйнарга йўлдошинг келди,
Дард айтар сирдошинг келди,
Сенинг давлат бошинг келди.
Қирқ париман ваъда қилган,
Мисқолдай қурдошинг келди.

¹ Қўлэзмада «қўйгаяриб».

Юнус билан ваъда қилган,
Халойиқдан дуо олган,
Ваъдасига вафо қилган,
Чин ҳақиқат ёринг келди.

Гўрўгли, бергин суюнчи,
Мисқолдай дилдоринг келди!

Мисқолдайин паринг келди,
Боғингда гулзоринг келди,
Дардинга [давонг] келди,
Бергин кўпроқ суюнчи,
Кўнгил хуши паринг келди!
Ваъдасига вафо қилган,
Ун беш кунлик ойдаи бўлиб,
Мисқол санам паринг келди.

Гўрўгли қувониб кетди,
Оғзи қулогига етди.
Кўринг энди, боринглар деб,
Гулчеҳрага, ой Зайдинга
Ҳам Юнусжонга айтди.

Ҳамма одамлар чувлашиб,
Қулоқлар кетди ғувлашиб.
Одам битган Мисқолжонга,
Қиз-келинчаклар дувлашиб,
Бир неча юраги шишиб,
Бир нечанинг ақли шошиб,
Аёл, бола-чақа, келинчаклар,
Сўқиллаган сулув қизлар,
Ҳаммаси кетди чопишиб.

Отларини тепанглашиб,
Бораётир ҳамма беклар,
Талтайишиб, кўпонглашиб.

Ҳамма одам ҳайрон қолди,
Мисқолжондан кўнгли тўлди.
Юнус пари «ҳой балли», деб,
Бошларидан тилла сочиб,
Ой Мисқолни иззат қилди.

Буланглашиб абжир қизлар,
Болдан ширин айтган сўзлар,
Кўкракда тебраниб безлар,
Сатта мунчоқ таққан қизлар,
«Келин келди», деб ҳаммаси,
Ой Мисқолнинг келганига,
Ҳаммаси кўп иззат қилди;
Парилардан кўнгли тўлди.

Ваъдадан чиқмай ой Мисқол,
Чамбилнинг элида бўлди.
Сап келинчаклар, кайвонилар,
Сатта семиз ҳайвонилар
Чин ихлосман дуо қилди,
Ҳамма ерни одам тутди;
Чамбил зилзила бўп кетди.

Ҳамма молдан кечаверди,
Бахмал, парча бичаверди.
Ой Мисқолнинг париларнинг
[Устларидан] тўрва-тўрва
Танга-тилла сочаверди.
Нима бўлса бўлаверди...
Мисқол ойнинг ёнбошида,
Танга-тилла олаверди.
Мисқолжоннинг бу ишлардан,
Чўртта кўнгли тўлаверди.

Чамбил эл тебраниб кетди,
Карнай-сурнайлардан тортди,
Қулоқ деган жиққа битди.

Салтанатли Зайдин, Чеҳра,
Яхши иззат қилиб Мисқолни
Чамбил дарвозасидан,
Лола гулдай бари яшнаб,
Лиқишиб кўчага чиқиб,
Сатта қизлар Мисқолжонни,
Уртага олиб қайтди.

Терлаб кетиб баданлари,
Кийган яхши кийимлари,
Баданга тармашиб кетди.

Жаннатга киргандай бўлиб,
Чамбил дарвозасидан,
Урта дарвозага етди.

Қойил бўлиб Мисқолжонга,
Томошабин йўл бермайин,
Мисқолни таққа тўхтатди.
Сахмон полвон чошиб келиб,
Одамларни қувиб кетди.

Минг туманли нозлар билан,
Неча яхши сўзлар билан,
Сагта бўтакўзлар билан,
Кўп яхши овозлар билан,
Салтанат қип, иззат қилиб,
Гулгула ўрнаб фалакка,
Шовирлар етиб малакка
Жонон қизлар, сулув қизлар,
Тиши оппоқ дурдай қизлар,
Тўла келган бирдай қизлар,
Кўринг Мисқолни оп кетди.
Баракалла, келинчаклар,
Иззатни тоза ўхшатди.

Қимиллаб Чамбилнинг шаҳри,
Гулларда тўтининг баҳри,
Келмасин подшонинг қаҳри,
Элдай бўлди Чамбил шаҳри,
Кўча-кўча томнинг боши,
Қиз билан келинчакларга,
Томошабин босиб кетди.
Салтанатман янги етди.

Гўрўглининг кетди уйи,
Бўлар Мисқолжоннинг тўйи.

Ана энди шундай хушвақтчилик қилиб Чамбилда ҳамма йиғилиб, элбегилар, эли бойлар, новқарлар, ҳамма фуқаролар семиз молни сўйиб, Чамбилдан, Моридан, Такадан, Шўракдан, Қизилдан, Эл соридан одам йиғиб, «ўн кеча-кундуз тўй», деб қичқиртди. Қутли бўлсинга гуразгураз одам йиғилиб, қутли бўлсинга келиб, одам битган ошдан гўштдан қорни дўппосдай бўлиб, қизлар билан йи-

гит баччалар, келинчаклар билан ўрта йигитлар бўтасолди ўйнаб, оқ суяк ўйнаб, кундуз куни кўпқари чопиб, бир чакқаси курашиб, худди сайилга чиққандай бўлиб ётаверди.

Чимилдиқни тутиб, Гўрўғли билан Мисқолни қаллиққа солди. Ана энди Гўрўғлибек тонгнинг отганини ҳам билмайди, куннинг ботганини ҳам билмайди. Энди булар ётаверсин, одамлар тўйни еб кетаверсин. Ана энди Мисқол ҳам кетолмайдиган бўлди.